

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 371.126:152.0

Тожибоева Гулмира Рифовна

**МАВЗУ: Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик –
психологик билимларини интеграциялаш жараёни**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 371.126:152.0

5A141602 “Бошланғич таълим ” бўйича

МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯСИ

Ҳимояга тавсия этаман
бўли

ми бошлиғи ишлар методикаси” кафедраси

_____ Н.А.Муслимов

мудири _____

п.ф.д. профессор. Р.А.Мавлонова

« _____ » июнь 2009 й.

Илмий раҳбар _____

п.ф.д. профессор. Р.А.Мавлонова

МУНДАРИЖА

Кириш.	3
I Боб. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик - психологик билимларини интеграциялаш жараёни педагогик муаммо сифатида.	
1.1. Интеграция тушунчаси ва таълим жараёнида бўлажак ўқитувчининг педагогик- психологик билимларини интеграциялашнинг назарий асослари.	9
1.2. Таълим - тарбия жараёнида бўлажак ўқитувчининг касбий педагогик фаолиятини интеграциялашда мотив ва қобилиятларнинг роли.	20
I Боб бўйича хулоса.	32
II Боб. Бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда интеграциялашган таълимдан фойдаланишнинг методик хусусиятлари.	
2.1. Бўлажак ўқитувчининг педагогик – психологик билимларини интеграциялашда мулоқот психологияси ва ундан педагогик фаолиятда фойдаланиш.	33
2.2. Тажриба - синов ишлари ва уларнинг натижалари.	67
II Боб бўйича хулоса	75
Умумий хулоса	77
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.	80
Илова	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолиятига боғлиқ. Таълим ислохотларини амалга оширишда ўқитувчи фаолияти асосий ўринни эгаллайди. Бугунги кунда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари даражасида ўқитувчиларни тайёрлашга, шу нуқтаи назардан педагогика фанини такомиллаштириш муаммолари, айниқса, интеграциялашган педагогика фанини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Педагогик жараёни интеграциялашда ижодий ёндашув алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, педагогик жараёни интергациялаш учун педагогик – психологик принципларни бир тизимга келтириш ва унга амал қилиш алгоритмини яратиш зарур. Педагогик жараёни интеграциялаш бир нечта педагогик-психологик қонуниятларга асосланади. Педагогик тизимда изланиш, етказиш, ўзгартириш, тарқатиш, сақлаш, фойдаланиш қанчалик самарали олиб борилса педагогик жараёни интеграциялашда ҳам маълумотларни излаш, жамлаш, сақлаш, ишлаб чиқиш, қайта ишлаш, тарқатиш, тиклаш, тўлдириш ва фойдаланиш қонун ва тамойилларига амал қилинади.

Педагог кадрларга нисбатан қўйиладиган умумий талабларда замонавий педагог маҳорати, шахсий сифатлари, назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати белгилаб қўйилган. Ўқитувчининг касбий шаклланиши педагогик коллежда касбий таълим олиш жараёнидан бошланар экан, бўлажак ўқитувчининг салоҳиятини қандай ривожлантириш лозим, у қандай жараёнларга кўпроқ аҳамият бериши керак деган савол туғилади.

Бўлажак ўқитувчида интеграцион билимлар, кўникмалар ва малакалар шаклланиши учун, уларни ҳар бир дарсида моҳирона қўллаш олиши учун педагогик ва психологик билимларни узвий боғлашни, яъни

интеграциялашни касбий таълим олиш жараёнидан бошлаш талаб этилмоқда. Бўлажак ўқитувчи қандай педагогик - психологик билимларни ўзлаштириши лозим? Педагогик - психологик билимларни интеграциялаш жараёнида нималарга эътиборни қаратиш лозим? Бўлажак ўқитувчи мактабда дарс бера олиши, шахсни - комил инсонни тарбиялаши учун нималарга таяниши лозим? Педагогика бу масалани ўрганишда илмий тушунчаларга методик, дидактик бирлиги сифатида қараса, психология бу масалани шахснинг психикаси, ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўрганади. Айнан интеграциялаш бу жараёнларни узвий боғлаб, бир - бирини тўлдириб туради. Халқ таълимнинг барча бўғинларига интеграцион жараёнларни сингдириш мактаб ва жамият олдига қўйилган мақсадларни ечишда хизмат қилади.

Интеграция - атама ва услубий нуқтаи назардан ҳодиса сифатида қандай маъно англатишини кўриб чиқайлик.

Интеграция сўзи латинча «integration» - тиклаш, тўлдириш, “integer”- бутун, яхлит сўзидан келиб чиққан.

Сўнгги ўн йилликлар ичида таълим фалсафаси шундай илмий йўналишга айландики, у инсоннинг таълим олиш жараёнида яхлит интеллектуал ривожланиши ҳақидаги саволга жавоб таклиф этмоқда. Инсоннинг таълим олиш жараёнидаги комплексли ривожланиши таълимнинг предметли мазмуни томонидан бузилган. Таълим олаётган ёш инсоннинг ривожланиш шароитидаги қарама-қаршилиқни амалиётдаги педагоглар аниқлашган.

Ҳозирги вақтда педагогик амалиётда фанлараро боғланиш асосида интеграция йўлларида изланишлар давом этмоқда. Олиб борилаётган изланишлар натижаси сифатида бўлажак ўқитувчининг педагогик ва психологик билимларини интеграциялаш ва унга қўйилган талаблар катта аҳамиятга эга.

Интеграция юксак ва тараққий этган анъаналар мажмуи, улар бугун инсон фаолиятининг барча соҳаларини таърифлаб беради.

Интеграциялашган таълим-тарбия, фанлараро алоқаларнинг айрим жиҳатлари Я.А.Коменский, Д.Локк, И Гербарт, М.Песталоцци, К.Ушинский М.А. Данилов, Н.В. Максимова, С. П. Баранова ва психолог олимлар Э.Н. Кабанова, Меллер, Н.Ф. Тализина, Ю. А. Самарин каби машҳур педагог ва психолог олимларнинг бир қатор ишларида кўриб чиқилган.

Бир қатор ишлар бошланғич таълимдаги фанлараро ва фанлар ичидаги алоқаларга бағишланган. Бу муаммолар ўқув фанларини интеграциялашга ўтишнинг яқин ривожланиш зонасидир.

Таълимдаги интеграция жараёнини Ўзбекистон олимларидан педагогика фанлари доктори, профессор Р.А.Мавлонова юқоридаги бир қатор олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда қуйидагича таърифлаб беради.

“Интеграция мода ҳам, навбатдаги компания ҳам эмас. У шундай тенденциялар аксик, улар бугун инсон фаолиятининг барча соҳаларини таърифлаб беради. Бу фаолият кенгликлари ўзгарди, замонанинг долзарб муаммолари туғилди. Улар табиат ва инсон ягона тизим ва боғлиқликда мавжудлигини ёдга солади, инсон яшаши учун илмий асосланган фойдаланишнинг ташкилини талаб қилади”.

Демак, интеграция табиий – илмий ҳаққонийлик ва инсонпарвар ғояларни бирга бўлишига даъват этади.

Ҳозирги даврда таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёни муаммоси назария учун ҳам, амалиёт учун ҳам муҳим ва долзарбдир.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёни масаласига кейинги пайтда бир қанча ёндашувлар бўлди.

Таълим мазмунини инсонийлаштиришда асосий механизм деб интеграцияни англаш, яъни замонавий мактабнинг ривожланишида илғор тенденциялар аҳамиятини аниқлашга имкон беради. Интегратор ёндашув турли даражадаги тизимли алоқаларнинг объектив яхлитлигини акс эттиради. Педагогика ўз усулларини йўқ нарсадан яратмайди, уларни ўйлаб топмайди. У ҳаётдан кишилар хулқ-атворининг реал омилларини, болалар ҳаётини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш вазифаларига жавоб берадиганларини танлаб олади, таълимий ва тарбиявий ишда педагогик–психологик таъсир кўрсатиш усуллари сифатида фойдаланади.

Педагогик таъсир кўрсатиш методикаси болаларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш учун фойдаланиладиган воситалар тизимидан иборатдир. Бу воситалар тарбияланувчи шахсига қаратилган бўлиб, болаларнинг хулқ-атворини рағбатлантиради, уларнинг қийин ва мураккаб вазифаларини қувонч, ижодий шавқ-завқ манбаига, ҳар бир тарбияланувчи ўқувчининг шахсий муддаоларига айлантиради.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёни масаласи биринчи навбатда педагогик фаолият, педагог шахси, унинг касби ва унга қўйилган педагогик- психологик талаблар мажмуидан иборат бўлади.

Юқоридаги фикрларга суянган ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёни муаммоси магистрлик илмий-тадқиқот ишимизни **“Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёни”** деб номлашимизга асос бўла олади.

Тадқиқот мақсади – Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти - Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёни.

Тадқиқот предмети – Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёнига илмий педагогик ёндашув.

Тадқиқот вазифалари:

1. Муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик – психологик билимларини интеграциялаш долзарб муаммо эканлигини асослаш.

2. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялашга йўналтирилган технология мазмуни, шакллари ва методларини ишлаб чиқиш ва уларни тажриба–синовдан ўтказиш.

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот илмий фарази. Агар:

- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялашга йўналтирилган технология мазмуни, шакли, усул ва методлари аниқланса;
- бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялашга йўналтирилган фаолиятнинг технологияси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилса, унинг самарадорлигини бирмунча оширишга эришиш мумкин.

Тадқиқот методлари: Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёнига оид назарий-методик адабиётларни таҳлил қилиш, суҳбат, анкета, табиий экспериментал кузатиш, аниқловчи ва шакллантирувчи тажрибалар.

Тадқиқот янгилиги:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёнида педагогик ва психологик билимларнинг аҳамиятини тадқиқ этишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш долзарб педагогик муаммо эканлиги илмий жиҳатдан асосланади.
2. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёнида педагогик фаолиятга йўналтирилган фаолият мазмуни, шакли, услуби ишлаб чиқилади.
3. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёнига йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тадқиқот илмий ва амалий аҳамияти: “Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси” фани бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик- психологик билимларини интеграциялаш жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт- шароитлари мазмуни, шакли, услублари; бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик- психологик билимларини интеграциялаш жараёнига йўналтирилган назарий ёндашувлар ҳамда илмий- методик тавсияларга эга бўлди.

Тадқиқот методологик асоси: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таълим- тарбия соҳасига, миллий ғоя ва миллий мафкурага оид асарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва мавзуга оид илмий – педагогик, методик, тарихий, фалсафий манбалар.

Тадқиқот тузилиши: Кириш, 2 боб, 4 фасл, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёни педагогик муаммо сифатида.

1.1. Интеграция тушунчаси ва таълим жараёнида бўлажак ўқитувчининг педагогик- психологик билимларини интеграциялашнинг назарий асослари.

Ҳозирги даврда жамиятнинг бошқа жабҳалари қатори таълим олдида ҳам талай муаммолар борки, бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да кўрсатиб ўтилган масалаларни тўлиқ ҳал этиб бўлмайди. Ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш жараёни муаммосидир. Маълумки, ўқитувчининг касбий фаолияти, энг аввало, педагогика фани билан боғлиқ. Чунки педагогика фанида таълим-тарбия бериш қонун- қоидалари баён этилади. Ўқитувчи ўқувчига таълим-тарбия бериш орқали унинг шахси шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу муаммони ҳал қилиш ва ечимини топишда ўқитувчиларнинг билим, малака ва кўникмалари юксак даражада бўлиши талаб этилади.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ўқитувчилар фаолиятига қуйидагича таъриф беради:

- Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Дарҳақиқат, ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири - ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, ўз касбини севиши уни бошқа касб эгаларидан ажратиб туради.

Ҳозирги даврда таълим тизимида интеграцион жараёнлар жуда тезкор даражада ривожланмоқда. Таълимни интеграциялаштириш бевосита, геополитик регионлар доирасида амалга оширилиб, бунда тарихий у ёки бу даражада ижтимоий-иқтисодий шароитлари яқин ёки ўхшаш турадиган мамлакатларнинг таълим тизимини бирлаштирмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасида интеграцион жараённи амалга ошириш учун ягона ўзига хос механизми яратилган. Бу масалада доимий тарзда Ғарбий Европа мамлакатлари таълим вазифаларининг йиғилишларини ўтказиб туради. Европа ҳамжамияти (ЕС) давлатлари аъзолари иштирокида доимий ишловчи таълим кўмиталари фаолият кўрсатиб, унинг вазифасига, Ғарбий Европа мамлакатлари таълим тизимини ҳар томонлама мукаммаллаштириш масалалари киради. Бу соҳада Ўзбекистонда маълум натижаларга эришилган бўлиб, бу натижалар самараси натижасида Европа давлатлари учун ҳам намуна бўла оладиган энг қулай таълим тизими моделини яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Таълимда интеграцион жараёнлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаш муаммосини ҳам ҳал қилиш имкониятини беради. Шу ўринда савол туғилади: интеграция нима, у қандай жараён?

“Интеграция” сўзи латинча **“integration”** - тиклаш, тўлдириш, **“integer”** бутун, яхлит сўздан келиб чиққан. Интеграция – умумият, бирликка эришишга йўналтирилган жараён ёки фаолият натижаси. [24]

Интеграция ғояси XIX аср ўрталарида инглиз олими Г. Спенсер томонидан фанга киритилган. Герберт Спенсер фалсафасидаги сочилган, сезилмайдиган ҳолатнинг ички жараёнларини секинлашуви натижасида зичланиши ва сезиладиган даражага ўтиши тушунилади.

Йенш психологиясида интеграция – руҳий ҳаётнинг айрим хусусиятларини бутун маънавий ҳаёт мажмуига таъсир қилиши тушунилади.

Интеграция муаммосини ҳал этиш борасида олимлар бирмунча ишларни амалга оширганлар. Ривожланган давлатларда таълим мазмунини интеграциялаш борасида муҳим ва долзарб ишлар амалга оширилган. Англия, Япония, Венгрия, Гонг Конг давлатларида таълим мазмунини интеграциялашга эришилган.

Таълим ва тарбияни такомиллаштиришда интеграция муаммоси билан шуғулланган олимлар унинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, унга турлича таъриф берганлар.

Интеграция – ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашга янгича ёндашув.

Интеграция - янги сифат.

Интеграция – таълим жараёнини оптималлаштиришнинг муҳим тамойили.

Интеграция – ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, бир бутун қилиб бирлаштириш, яхлит ҳолга келтириш.

Интеграция – тарқоқ, бўлак – бўлак, айрим – айрим ҳолдаги нарсаларни бир бутун, яхлит, тизимлашган ҳолатга келтириш.

Интеграция – турли фанларга оид билимларни ягона мақсадни ҳал этишга йўналтиришдан иборатлигини англаш.

Интеграция - оламнинг яхлитлиги (бир бутунлиги)ни ифодалайди каби юздан ортиқ таърифлар мавжуд.

“Интеграция” бир нечта ўқув предмети материалларини методиканинг вазифаси ва ягона мақсадига табиий бўйсундириш асосида тузиш усули”. Н.С. Сетловская.

“Интеграция” ўқитишнинг фанлараро сифатида янги даражага кўтарувчи бир бутун билимлар “монолити”ни яратишга имкон берувчи восита”. Л.Н. Бахарева

“Интеграция” – предметлараро боғланишнинг энг юқори даражаси, умумметодологик тамойиллар асосида муаммони комплекс ўрганиш йўли”. Л.Т.Тарасов

“Интеграция” – Предметлардан бериладиган билимларни яқинлаштиришнинг умумий платформасини топиш”. Ю.М.Колягин

Интеграцияга берилётган таърифлар турлича: ушбу таърифларнинг умумийлик томони – **интеграция бу атрофимиздаги борлиққа яхлит қарашга эришишдан иборат.**

Интеграциянинг асосини фанлараро алоқадорлик ташкил этади ва ўзининг ривожини интеграция ғоясида топади.

Интегротив мазмунга эга бўлган фанларни ўрганиш бўлажак мутахассислар билими, иш услублари, шахсий фазилатлари яхлит, бир бутунлигини таъминловчи омил сифатида қаралади. Интегротив функция умумтаълим ва касбий таълимни боғловчи бўғиндир. Бунда таълим мазмунидаги барча ташкил этувчи элементлар мажмуасини – билим, кўникма, малака, меъёр, педагогик тизимларни ўзида мужассамлаб: билимларни тизимлаштиришни ташкил этиш, талабаларда ҳар хил предметларда ўтиладиган ва техник, технологик жараёнларда содир бўладиган ҳодисалар, тушунчалар, ғоялар, назариялар орасидаги ўзаро интеграция ва ҳар томонлама боғланиш борлигини ўрната олиш кўникмаларини шакллантириш; бу боғланишлар касбий билимларни чуқурлаштиришга ёрдам берувчи эканини тушунтиришни таъминлаш; талабаларда ижодкорлик масалаларини назарий тўғри техник ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ечишда, турли ўқув предметларини ўрганишда олган билим ва маҳоратлари асосида техникавий – иқтисодий, ижтимоий – экологик, ташкилий – педагогик тизимлар мақсади, мезони ва вазифасини тўғри шакллантириш кўникмаларини ҳосил қилишларини назарда тутати.

Таълим мазмунидаги уйғунликларни таъминлаш муаммолари ҳам интеграциялашнинг шуғулланадиган соҳаси ҳисобланади. У тушунчаларни умумлаштиришни ўргатади. Таълим ва тарбияда эса билимлар, тушунчалар, кўникмалар ва малакаларни шакллантиришларни умумлаштириб, қонун ёки қоида кўринишига келтиришни амалга оширади.

Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий термин бўлиб, у умумлаштириш, хулосалашларда методологик восита бўлиб ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жараён ва ҳодисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмлари яратилади.

Педагогик тадқиқотларда тадқиқот объекти ва методологиясига тегишли маълумотлар ўртасидаги алоқадорликларни ўрнатиш (функционал боғланишларни) масалаларини ҳал этишда интеграциялашдан фойдаланилади.

Тадқиқот ишларни бажаришда ва турли фанлардаги таълим мазмунларини умумлаштириш ва тўлдиришда интеграциялаш жараёни доимо қўл келади ва кўзланган мақсадга эришишни кафолатлашга ёрдам беради.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан ҳам, педагогик- психологик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик-психологик билимларини интеграциялаштиришда қуйидаги компонентлар алоҳида аҳамият касб этади. Улар:

- назарий билимларга эга бўлиш ва методологик рефлексия фаоллиятини ошириш. Методологик рефлексия бу - олинган назарий билимларнинг ўз-ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилиши демакдир;
- методик ва технологик даражадаги психологик – педагогик билимлар мажмуи;
- педагогнинг шахсий ривожланиши, ўз устида ишлаши.

Юқорида кўрсатиб ўтилган компонентлар ўз навбатида қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- билим олиш бўлажак ўқитувчининг керакли хусусияталарини ва зарурий кўникмаларини шакллантиришга қараб олиниши керак;
- психологик – педагогик фанлар тизими билимига эга бўлиш жараёнидан аввал ана шу билимларга эҳтиёжини олдиндан билиш имкониятини яратиб бериши керак;
- бўлажак ўқитувчига имконият, хусусият, шакл ва методларнинг бирлигини танлаб олишнинг оптимал шароитларини яратиб бериш керак;
- эгаллаган тушунчаларини ўқув жараёни давомида узлуксиз ишлатилиши ва ривожланиш шароитларини яратиб бериш зарур.[4, 43]

Бўлажак ўқитувчида педагогик-психологик билимларнинг тизимлилиги, интеграллашган билимни шаклланиши ва интеграцион самарадорлиги ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги кузатишларни берилган йўналишлар бўйича ташкил қилиш керак:

- бўлажак ўқитувчининг билимларни ўзлаштиришга психологик тайёрлигини ўрганиш;
- бўлажак ўқитувчининг билим олишга тайёргарлик даражасини аниқлаш;
- далиллар, ҳолатлар, қонунлар ҳақидаги билим доирасини аниқлаш;
- педагогик жараён, ўқитувчилик меҳнатига мотивацион (фаол фаолиятга ундовчи сабаблар) ва эмоционал (уйғотиш, тўлқинлаштириш. Одамларнинг субъектив ифодаланган ички ёки ташқи кўзғатувчилар таъсирига жавоб реакцияси) муносабатини аниқлаш.

Бўлажак ўқитувчининг касб танлашида педагогик жараён, ўқитувчилик меҳнатига мотивацион ва эмоционал муносабатни аниқлаш катта аҳамиятга эга. Чунки, психологик ва педагогик фан ўқитишнинг интеграцион жараёнини технологик таъминланувининг таҳлили, ўқитувчининг билим бериш методларини, усуллари ва шаклларини тўлиқ акс эттиришга ёрдам беради.

Педагогнинг профессионал компетентлик характеристикаси педагогик фаолиятда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уни билиш куйидагиларга ёрдам беради :

- бўлажак ўқитувчининг профессионал билимдонлик даражасини аниқлашга;
- педагогик- психологик билимларни интеграциялаш жараёнини ташкил қилишда ўқитувчининг илмий ёндашишига;
- интеграцион билимларни мукамал билишига;
- профессионал рефлексия (инсон билимларининг ўз-ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилиши) ҳамда корректив ҳаракатларга қобилиятлилиги .

Бирор касбнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун кишида табиий қобилият, маълум жисмоний ва рухий хислатлар, пухта тайёргарлик, айрим шахсий сифатлар бўлиши керак.

Педагогик касбини танлаган киши аввало соғлом бўлиши, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши, босиқ ва асаблари жойида бўлиши, бошқалар билан муомалада ўзини тута олиши зарур. Шунингдек, ўқитувчида болаларни ёқтириш, улар билан ишлашга майли борлик, хушмуомалалик, кузатувчанлик, кенг фикрлай олиш, ташкилотчилик, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик каби шахсий сифатлар мавжуд бўлиши зарурдир.

Педагогик фаолият – ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим- тарбия бериш иши билан шуғулланадиган ва бу ишга махсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир. «Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга», - дейилади «Таълим тўғрисида»ги Қонунда.

Ўқитувчилик фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилгандир. Ўқитувчининг баркамол инсонни тарбиялаши, унда миллий ва умуминсоний фазилатларни таркиб топтириш вазифаси энг олижаноб, юксак ва шу билан бирга энг мураккаб вазифадир. Ҳар бир бола ўз хулқ- атворига, характерига эга. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ўрганиш бўлажак ўқитувчидан педагогик ва психологик билимларни пухта ўзлаштиришни талаб қилади. Бунда ўқитувчи одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигига мос келадиган махсус усуллардан фойдаланади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим. Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг касбномасида ифодаланади.

Касбнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқитувчи шахсининг хусусиятлари;
- ўқитувчининг психологик-педагогик тайёргарлигига қуйиладиган талаблар;
- махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни;
- ихтисосга оид услубий тайёргарликнинг мазмуни.

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **мафқуравий соҳада** – илмий дунёқараш ва эътиқод, ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятларни чуқур тушуниш, ижтимоий ва фуқаролик бурчини англаш, ижтимоий фаоллик;

- касбий педагогик соҳада: - болаларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик ишни севиш, психолого-педагогик тасаввур; ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик, қатъийлик ва мақсадга интилиш, вазминлик, ўзини тута олиш;

- билиш соҳасида: - кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш, педагогик маълумотни оширишга интилиш.

Ўқитувчининг психолого- педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар :

- билим эгаллаш соҳасида: психология ва педагогика фанларининг методологик асосларини, шахснинг ривожланиши ва шаклланиш қонуниятларини билиш;
- тарбиянинг моҳияти, мақсади, вазифалари, шакл ва методларини тушуниш,
- болалар ва ўсмирлар психологияси, уларнинг анатомио- физиологик ривожланишларининг асосий қонуниятларини билиш, ўқувчилар гигиеник тарбиясининг назарий, табиий-илмий асослари ва воситаларини билиш;
- болалар ривожланишининг психик қонуниятларини, ҳар хил ёшда шахснинг индивидуал- психологик хусусиятларини билиш.

Кўникма ва малакалар ҳосил қилиш соҳасида:

- педагогик вазиятни таҳлил қилиш;
- педагогик таъсирларни режалаштириш ва натижаларини мўлжаллай олиш,
- ижтимоий-педагогик ҳодисаларнинг амалдаги ҳолатини, уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш сабабаларини, шарт-шароитларини таҳлил қила билиш ва баҳолай олиш;
- ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва билим даражасини аниқлаш;
- шахс ва жамоанинг ривожланишини белгилай олиш;

- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда учраши мумкин бўлган қийинчиликлар ва хатоларни кура билиш;
- аниқ педагогик вазифалар ва уларни ҳал қила олиш;
- ўқувчиларнинг синфдаги ва синфдан ташқари фаолиятига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларни режалаштириш;
- ўқув- тарбиявий ишларнинг назарий асосланган ташкилий шакллари, методлари ва воситаларини танлай олиш;
- режалаштирилган педагогик таъсирларга ўқувчиларнинг жавоб ҳаракатларини олдиндан чамалай билиш кўникмалари.

Ўқув- тарбия жараёнини режалаштириш ва амалга ошириш соҳасида:

- ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия мақсадига мувофиқ ўқув материалани танлаш, уни анализ ва синтез қила олиш кўникмаси;
- илмий материалларни қайта ишлаб, ўқув материалаига айлантира олиш кўникмаси;
- маълум дидактик вазифага мувофиқ ўқувчилар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мураккаб матнларни ва ўқув материалани ўзлаштира олиш кўникмаси;
- дарсни ижодий ва асосли ташкил эта олиш кўникмаси.

Болалар фаолияти турларининг педагогик имкониятларини аниқлаш ва ҳаракатга келтириш соҳасида:

- Тарбиявий мақсадга мувофиқ айрим ўқувчилар ва жамоа учун вазифалар белгилаш, қуйилган мақсад асосида уларнинг тушунчасини ўзгартира олиш кўникмаси;
- болаларга таъсир ўтказиш ва улар фаолиятига педагогик раҳбарлик қилишни режалаштириш кўникмаси; таълим ва тарбия услубларини педагогик мақсадга мувофиқ қуллаш кўникмаси;
- ўқувчилар хулқи ва фаоллигини бошқариш кўникмаси;

- боланинг ташқи кўриниши ва қилиқларидан унинг рухий ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш, маълум вазиятда болалар хулқининг хусусиятларини англаш ва изоҳлаш кўникмаси;
- ўзини хаёлан тарбияланувчи ўрнига қўя олиш кўникмаси;
- ўқувчиларни шахс учун ва ижтимоий қимматли истиқболларга қизиқтириш ва жалб қилиш кўникмаси;
- умумий вазифаларни бажариш учун ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатинини ҳисобга олиш кўникмаси ва бошқалар.

Бўлажак ўқитувчи қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак: инсоний ғоявийлик, инсоний эътиқодлилиқ, Ватанга содиқлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий бурчни чуқур англаш, инсон манфаати сингари улуғвор мақсад йўлида мумтоз ниятлар, темир ирода билан кураша билиш, ҳаққонийлик, тамойиллилиқ, меҳнаткаш халқ билан ҳамдам ва ҳамкорлик, халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш, ҳаётда фаол позицияда туриш, янгиликларни сезиш ва уларни ҳаётга жорий этишда ташаббускорлик кўрсатиш, ахлоқий поклик ва меҳрибонлик, оқилона талабчанлик, юксак маданий хулқ, нафосат, тил ва дил бирлиги, фан асосларини, жамият, табиат ва инсон тафаккури қонуниятларини чуқур билиш ва амалда қўллай олиш, ҳар соҳада ёш авлодга ўрнак кўрсата билиш.

1. 2. Таълим – тарбия жараёнида бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий – шахсий мотивлар ва қобилиятларни шакллантириш.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати касбий тайёргарликни эркин равишда танлаган, юксак касбий билимга эга бўлган, ўз бурчини чуқур ҳис этган ҳолда ижтимоий аҳамиятли вазифаларни уддалашга қодир, истеъдоди ва мақсадларини бирлаштириб, ўсиб келаётган авлод учун масъулликни ижодий идрок қилувчи, жамият олдида ўз ижтимоий – педагогик ролини англовчи, ҳар томонлама ривожланган шахсни тайёрлаб етиштиришни назарда тутди.

Бунинг учун бўлғуси мутахассислар- педагог – ўқитувчиларда бу касбни танлашнинг ижтимоий - шахсий мотивларини шакллантиришга алоҳида урғу берилади.

Мотив – одамни эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундаш, фаолликни кўзғатиш ва унинг фақат йўналтирилганлигигина эмас, балки хулқ- атворини ҳам белгилаб бериш бўлиб, қатор ташқи ва ички шарт-шароитлардан келиб чиқади. Мотив – шахс эҳтиёжларини рўёбга чиқарувчи хатти – ҳаракат ва муомала хилини танлашнинг анланган сабабидир. Шахсий маъно ташувчи объектив қадриятлар, манфаатлар ва идеаллар мотивнинг кўзғатувчилари бўлиши мумкин.

Шахс ўз олдига вазифа ва фаолиятнинг янги мотивларини ҳаддан зиёд кўп қўйган ҳолларда ўзгарувчанлик ва ўсиш унга хос хусусият бўлади. Мотив шахснинг муайян йўналтирилганлигини белгилаб берувчи сабаблардан биридир. Бунда шахсни юксак даражада фаол ҳолатга келтиришга қодир бўлган омиллар зарур.

Йеркс- Додсон қонунига кўра фаолият муваффақияти мотивацияга боғлиқ. Яъни, қанчалик ҳаракатга ундаш кучли бўлса, шунчалик фаолият самараси юқори бўлади. Лекин бундай тўғридан- тўғри алоқа муайян

даражагача сақланади. Айрим натижаларга эришилса-ю, лекин мотивация ортиб борса, фаолият самараси пасаяди. Демак мотив:

1. Миқдорий таснифга (“кучли-кучсиз” тамойили бўйича).
2. Сифат таснифига (ташқи ва ички) эга.

Бўлғуси ўқитувчиларда педагогик касбини танлашнинг ижтимоий – шахсий мотивларини қандай қилиб шакллантириш мумкин? Аввало, қуйидаги педагогик технологиялардан фойдаланиш зарур:

- ўтмишдаги, масалан, ўрта аср Шарқидаги ва бугунги кундаги таниқли педагоглар асарларидан тегишли ўринларни ҳикоя қилиб бериш;
- муаллифлик дастурлари билан таништириш, шаҳарнинг новатор – ўқитувчилари билан учрашувлар уюштириш, уларни бевосита дарс жараёнида кузатиш;
- талабаларнинг мактаб даврида педагогик касбини танлашларига сабаб бўлган мотивлар ифодаланган хотира ва ҳикояларига муурожаат қилиш;
- мамлакатимизда ўқитувчи касбининг роли ҳамда аҳамиятини, обрў – эътибори ва мақомини оширишга йўналтирилган давлат қафолатларини сўзлаб бериш;
- ўқитувчининг Республикамиз узлуксиз таълим тизимидаги бугунги ижтимоий мавқеини тушунтириб бериш;
- ўқитувчи касби ҳамиша ва айниқса, бугунги кунда нуфузли эканлигини ҳикоя қилиб бериш;
- педагогик фаолиятнинг касбий- шахсий истиқболларини (касбий малака ошириш, илмий ўсиш, хизматда юқорилаш) очиб бериш;
- талабаларга ўқитувчилик касби ўз – ўзини англаш ва ўзини рўёбга чиқариш асосига қурилган ўзига хос ижодий фаолият эканлигини етказиш;


- бўлғуси ўқитувчилар билан касбий тайёргарлик мазмуни ва умумтаълим, касбий – педагогик ҳамда махсус билимларни эгаллаш ҳақида суҳбатлар ўтказиш. (бунда мақсадга қаратилган тарбия, шахсни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, педагогик қиёфани шакллантириш ва педагогик –психологик билимларни эгаллаш, такомиллаштиришнинг имкониятлари хусусида фикр юритилади);
- бўлғуси ўқитувчиларни шахсий, касбий ўз – ўзини такомиллаштиришга, бунинг учун касбий – шахсий қизиқиш бўлиши зарурлигига ишонтириш.

Бўлғуси ўқитувчиларда педагогик касбини танлашнинг ижтимоий – шахсий мотивларини шакллантиришда талабалар эътиборини шахсий хиссий эҳтиёжий жиҳатига ва ижтимоий даражасига қаратиш муҳимдир. Бунда мазкур мотивларнинг педагогик тайёргарлик жараёнида аста – секин англаниши ва фаолият вақтида, айниқса педагогик амалиёт даврида талабалар онгига сингишини, асосий мезон – ижтимоий- педагогик фаолликнинг ҳолати ўз – ўзини баҳолашга муҳтожлигини назарда тутиш зарур. Бўлғуси ўқитувчилар билан олиб бориладиган, уларни педагогик фаолиятга йўналтирадиган, ижтимоий – шахсий мотивларни англашга асосланган мотивлаш ишларини тизимли – режали шаклда қуйидагича тасаввур этиш мумкин:

- жамият ижтимоий буюртмаси билан белгиланадиган фаолият мақсадларини англаш;
- қобилиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб, педагогик иш мазмунини белгилаш.

Бўлғуси ўқитувчиларнинг педагогик- психологик билимлари ижтимоий- шахсий мотивлар- булар хоҳиш – истак, интилиш, ташвишланиш, ҳиссий муносабат, манфаатлар – ва истикболни кўриш асосида шакллантирилади. Барқарор, англаниган ижтимоий - шахсий мотивлар касбий, педагогик -

психологик билимларни эгаллаш, малака, кўникма ҳосил қилиш ва лаёқат сифатлари, педагогик тайёргарликнинг натижаларини олдиндан кўра билиш асосида уйғунлашиб, такомиллашиб боради. Буни қуйидаги схема орқали кўриш мумин:



Кўриб турганимиздек, бўлғуси ўқитувчиларнинг педагогик – психологик билимларини шакллантириш бевосита ўз устида ишлаш жараёни билан боғлиқ.

Педагогик- психологик билимларни интеграциялаш жараёнининг муҳим унсурлари *шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини- ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади.* Унинг энг муҳим йўналишларидан бири **талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш.**

Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади. Бунда бўлажак ўқитувчиларнинг таҳлил қилиш ва умумлаштириш кўникмалари вужудга келади, педагогик жараён ҳақидаги тасаввурлари яхлит бир тизимга келиши таъминланади.

Интеграцион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Ўқитувчининг интеграцион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

XXI аср дидактикада, шу жумладан ўқитиш методикасида чуқур ислохотлар даврини бошлаб берди. Умумий ўрта таълим ва узлуксиз таълимнинг мақсадлари ўзгарди. Янги таълим концепциялари, ўқув режалари, стандартлари яратилди. Таълим мазмунини баён қилиш айрим ўқув фанлари орқали эмас, балки янгича интеграциялашган таълим асосида ёндашиши кўзда тутилмоқда, жумладан, педагогика- психология фанларини ўрганишга, бўлажак ўқитувчиларда педагогик- психологик билимларни такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Бу ўз навбатида педагогик – психологик илмий билимлар тизимини интеграциялаш, уни ўқитишнинг ташкилий шакллари методлари ва воситаларини янгилаш, ечимини топиш зарур бўлган муаммога айланди. Бу муаммони ечиш таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлангандир. Таълимни янгилаш

унинг ноанъанавий ташкилий шакллари ва методларидан фойдаланишни, жумладан, интегратив ёндашувни талаб этади.

Интеграцияни фақат турли фанлардан ўрганиладиган билимларнинг ўзаро боғланиши деб тушунмай, балки, ўқитиш технологияларини, методлари, шаклларининг ҳам интеграцияси сифатида тушуниш лозим. Уларни тўғри амалга ошириш таълим самарадорлигини таъминлайди.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик – психологик билимларини интеграциялашда дастлаб педагогик ва психологик қобилиятлар ҳисобга олиниши зарур. Бўлажак касб эгасида касбга нисбатан қобилият, қизиқиш мавжуд бўлса, у албатта танлаган касбининг мохир устаси бўлиб кета олади.

Ҳар бир касб кишидан меҳнатда, ижодиётда ва ўқиш фаолиятларида тегишли қобилият талаб этади. Киши фаолиятининг ҳар хил турларига мувофиқ, назарий ва амалий қобилият турлари мавжуд бўлади. Кишининг муайян бир хилдаги қобилияти ва истеъдод даражаси унинг маълум соҳада билим ва кўникма ҳосил қилиш тезлиги даражаси билан белгиланади. Шунингдек, қобилият амалда қўллай олиш ва ижодиётда ундан фойдалана билишда ҳам кўринади. Билим олиш ва кўникма ҳосил қилиш эса ўз навбатида, қобилият ва истеъдоднинг юзага чиқишига ва ўсишига сабаб бўлади.

Қобилиятлар мураккаб тузилишга эга бўлган психик сифатлар йиғиндисидан иборатдир. Қобилият сифатида намоён бўладиган психик сифатлар йиғиндисининг тузилиши оқибат натижасида конкрет фаолият талаби билан белгиланади ва ҳар хил турдаги фаолиятлар учун турлича бўлади.

Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса истеъдод, лаёқат, зеҳн, яъни инсон асаб тизимида анатомик- физиологик хусусият ҳам бўлиши зарур. Ана шу табиий заминда қобилият деб аталувчи рухий

хусусият тараққий этади. Қобилият – кишининг мўйян фаолиятга бўлган лаёқатидир.

Ўқитувчилик ишига лаёқатлилиқ- педагогик меҳнатни муваффақиятли бажаришга қодирлик ва маънавий- психологик жиҳатдан мустаҳкам тайёрликдир. Касбга лаёқатлилиқ шахснинг энг муҳим томонларини- унинг умумий маданий савиясини, ақл- идроки ва онгини, қийматлар мезонини, йўналишини акс эттиради. Шахснинг йўналиши воқелиқдаги нарса ва ходисаларга танлаб муносабатда бўлишдан иборатдир, у кишининг яшириниб ётган кучларини ҳаракатга келтиради ва ишга солади, унда тегишли қобилиятни, касб учун аҳамиятли бўлган тафаккур, туйғу ва характер хусусиятларини шакллантиришга ёрдам беради. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбияланмоғи лозим:

1. Академик, яъни билиш қобилияти - фаннинг тегишли соҳаларига оид (математика, физика, биология, адабиёт ва ҳоказоларга доир) қобилиятлар. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамisha кузатиб боради, материални ипидан игнасиғача билади, унга ниҳоятда қизиқади, оддий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

2. Дидактик, яъни тушунтира олиш қобилияти - ўқув материални ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, материал ёки муаммони аниқ ва тушунарли қилиб гапириб бериш, ўқувчиларни мустақил равишда фикрлашга ўргатиш, зарур ҳолатда ўқув материални ўзгартира олиш, соддалаштира олиш, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказишдир. Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг руҳиятини, билим ва қобилият даражасини ҳисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмаслиқларини, нимани унутиб қўйганлиқларини тасаввур этади. Баъзи ўқитувчиларга, айниқса, тажрибаси кам ўқитувчиларга ўқув материали оддий, тушунарли ва

кандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитуви ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олади, у катталарга аниқ ва тушунарли бўлган нарсанинг ўқувчига тушунилиши кийин ва мавҳум бир нарса бўлиши ҳам мумкинлигига асосланиб иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характери ва шаклини алоҳида ўйлаб режалаштиради.

Қобилиятли ўқитувчи дарс материални баён этиш жараёнида турли ўқувчиларнинг қандай ўзлаштираётганликларини қатор белгилар асосида пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек, қобилиятли ўқитувчи ўқувчиларни материални ўзлаштириб олишлари учун замин тайёрлаб, уларнинг дам олишдан ишга ўтишлари, бўшашиш, ланжлик, лоқайдликларига барҳам бериш учун биров вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга қадар дарсни бошламайди.

3. Перцептив, яъни кузатувчанлик қобилияти - ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш, ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанликдир. Бундай қобилиятли ўқитувчилар кичкинагина аломатлар, унча катта бўлмаган ташқи белгилар асосида ўқувчиларнинг руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам фаҳмлаб олади. Ўқувчилар бундай ўқитувчи ҳақида: «Қарамаётганга ўхшайди- ю, ҳамма нарсани кўриб туради!», «Ўқувчининг хафа бўлганлигини ёки дарс тайёрламаётганлигини кўзидан билади!», - дейдилар.

4. Нутқ маданияти – нутқ ёрдамида, шунингдек, имо - ишора воситасида ўз фикр - туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Бу ўқитувчилик касби учун жуда муҳимдир. Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги сабоқни тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган ёки танқид

килаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қизиққанлиги билан ажралиб туради. Фикрнинг ифодаси ўқувчилар учун аниқ, содда, тушунарли бўлади.

Ўқитувчининг баёни ўқувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаолаштиришга қаратилади: ўқитувчи ўқувчилар олдида саволлар қўйиб, уларни аста – секин тўғри жавоб беришга ундайди, ўқувчининг диққатини кучайтиради ҳамда фикрини фаоллаштиради («Мана бу ерга алоҳида эътибор беринг!», «Ўйлаб кўринг!» каби). Шунингдек, ўринли кочирик, ҳазил, енгилгина истехзо нутқни жонлантириб юборади ва уни ўқувчилар тез ўзлаштирадилар.

А. Жомий «Ўқитувчининг нутқ маданияти ўқувчиларнинг дарсдаги ақлий меҳнатининг самарадорлигини ҳал қилувчи даражада белгилайди», деб таъкидлаган ва бундай маданиятни шакллантириш ўқитувчи сўз ёрдамида ҳосил қилишга уринадиган ва оддийдан мураккабликка, яқиндан олисликка, аниқликдан умумлийликка ўтиб бўлмайдиган тушунчалар тафсилотидаги ноаниқликни сабаб ва оқибатларини аниқлаш йўллари кўрсатиб берган эди. Юксак нутқ маданияти - ўқитувчи томонидан вақтдан оқилона фойдаланишнинг муҳим шартидир.

Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффузи жиҳатдан ёрқин, ифодали, ҳис- ҳаяжонли бўлиб, унда стилистик грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. Бир хилдаги чўзиқ, зериктирадиган нутқ ўқувчиларни жуда тез чарчатади, уларни лоқайд қилиб қўяди. Айрим ўқувчилар тез гапиришга, бошқаларини секин гапиришга мойил бўладилар. Бироқ ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун ўртача, жонли нутқ яхши натижа беришини эсдан чиқармаслик лозим. Шошқалоқлик материални ўзлаштиришга халақит беради ва болаларни тез чарчатиб қўяди. Ҳаддан ташқари секин нутқ ланжлик ва зерикишга сабаб бўлади. Ҳаддан ташқари кескин ва бақироқ нутқ ўқувчиларнинг асабини бузади, тез толиқтириб

кўяди, ўқитувчининг заиф овози ёмон эшитилади. Ниҳоятда кўп такрорланадиган бир хилдаги сўзлар тингловчининг ғашини келтиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти - биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини тўғри уюштиришни назарда тутди.

Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш кўзда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгиланган муддатда улгуриш хусусияти ҳосил бўлади. Дарс давомида ортиқча вақт сарфлаш ҳоллари баъзан учраб туради. Аммо тажрибали ўқитувчи зарур ҳолларда дарсинг режасини ўзгартира олади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти - ўқувчиларга бевосита эмоционал - иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Бу қобилият ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир йиғиндисига, чунончи, унинг иродавий сифатларига, шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш масъулиятини ҳис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонилшга, бу ишончни ўқувчиларга етказа олишига ҳам боғлиқ.

Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, кўрқитмайдиган, тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиладилар. Ўқитувчининг бўшанглиги, лақмалиги, тамойилсизлиги ва иродасизлигини ёқтирмайдилар.

Ўқитувчи синфда жамиятнинг вакили сифатида ўқувчилар жамоаси билан ёлғиз иш олиб боради. Бундай шароитда ўқитувчининг масъулияти унинг хулқини тартибга солиб турадиган, бошқарадиган куч, ўқувчиларга таъсир ўтказиш даражасининг асосий мезони ҳисобланади.

Ўқитувчи деярли ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, савол - жавоб қилади, уларнинг яхши ишларини маъқуллайди, билимини баҳолайди, ножўя хатти - ҳаракатлари учун танбех беради. Албатта, ўқитувчининг

бундай хатти - ҳаракатида мулоҳазаларида нисбийлик, субъективлик аломатлари мавжуд. У ҳамма билан айнан бирдек жуда тўғри муносабатда бўла олмаслиги мумкин. Лекин у ҳамма ўқувчиларга нисбатан холис ниятли, яхшилик қилишга интилувчи, адолатли киши эканлигига барчанинг ишончи комил бўлмоғи даркор. Синфда ўқитувчи «яхши кўрадиган», «ёмон кўрадиган» ўқувчилар бор деган таассурот туғилмаслиги керак.

Хуллас, обрў ўқитувчилик фаолияти учун зарур хусусиятдир. Обрў кишининг чуқур билим, юксак ахлоқий сифатлари, ҳаёт тажрибаси, илмий тадқиқот ва жамоат ишларида фаол иштирок этиши туфайли орттирилган, кўпчилик томонидан эътироф этилган таъсири нуфузидир.

7. Тўғри муомала қила олиш қобилияти - болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

8. Келажакни кўра билиш қобилияти - ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчида қандай фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу қобилият тарбиянинг кудрати ва одамга бўлган ишонч билан боғлиқ.

9. Дикқатни тақсимлаб олиш қобилияти - бу қобилият тури ўқитувчи учун дикқатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этиши билан изоҳланади.

Дикқатни айтиб берилган вақтда тақсимлай олиш қобилияти ўқитувчилик учун алоҳида аҳамият касб этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи материални баён қилиш мазмуни ва шаклини, ўз фикрини (ёки ўқувчининг фикрини) дикқат билан кузатади, айтиб берилган вақтда барча ўқувчиларни кўриб туради, толиқиш, эътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини тез пайқаб олади, интизомсизлик ҳолларини эътибордан қочирмайди, ниҳоят, ўз хатти-

харакатларини ҳам кузатиб боради. Тажрибасиз ўқитувчи кўпинча материални баён қилишга берилиб кетиб, ўқувчиларни эътибордан четда қолдиради, назорат қилмай қўяди, борди-ю ўқувчиларни диққат билан кузатишга ҳаракат қилса, фикр калавасини йўқотиб қўяди.

Ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари бир қанча ижобий сифатларга – аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Жамиятнинг янги ижтимоий кучларини етиштиришда ўқитувчи масъул ҳисобланади. Жамият ўқитувчининг кўлига ёш авлоднинг, яъни ўз келажагини ишониб топширади. Унинг камол топишида ўқитувчининг дунёқараши, онги, маданияти ҳамда нутқи белгилловчи восита саналади.

Шу нуқтаи назардан бўлажак ўқитувчилар фақат назарий билимларни эгаллаш билан чегараланмасдан, амалий малака ва кўникмаларни, яъни педагогик- психологик билимлар асосида ўқувчиларни илмий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантира билиш, ўқувчиларнинг индивидуал ва жамоа ишларини ташкил қила олиш, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни уюштира билиш ва уларга раҳбарлик қилиш, ота-оналар, жамоатчилик ўртасидаги ишларга раҳбарлик қила олиш, спорт, саёҳат, ва бошқа тарбиявий ишларни олиб бориш кўникмаларини ҳам эгаллашлари зарур.

Бўлажак ўқитувчиларнинг қизиқишлари ва лаёқатларини ҳисобга олган ҳолда педагогик қобилиятларини ривожлантириш, “Мен” концепцияси негизида ўз устида ишлаш, ўз- ўзини баҳолаш установақасини шакллантириш муҳим масаладир. Бўлажак ўқитувчилар педагогик- психологик билимларини такомиллаштириш бўйича ўз устида ишлаши, бунинг учун фаол қизиқиши, мустақил билиши, танқидий фикрлаши, ижодий изланиши лозим.

I Боб бўйича хулоса

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик- психологик билимларини интеграциялаш жараёни муаммоси назария учун ҳам, амалиёт учун ҳам муҳим ва долзарбдир. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик- психологик билимларини интеграциялаш жараёни масаласи биринчи навбатда педагогик фаолият, педагог шахси, унинг касби ва унга қўйилган психологик- педагогик талаб- лар мажмуидан иборат бўлади.

Бўлғуси ўқитувчиларнинг педагогик – психологик билимларини интеграциялаш бевосита ўз устида ишлаш жараёни билан боғлиқ. Педагогик- психологик билимларни интеграциялаш жараёнининг муҳим унсурлари шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини- ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади.

Бўлғуси ўқитувчиларда педагогик касбини танлашнинг ижтимоий – шахсий мотивларини шакллантиришда талабалар эътиборини шахсий хиссий эҳтиёжий жиҳатга ва ижтимоий даражасига қаратиш муҳимдир. Бунда мазкур мотивларнинг педагогик тайёргарлик жараёнида аста-секин англаниши ва фаолият вақтида, айниқса педагогик амалиёт даврида талабалар онгига сингишини назарда тутиш зарур.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик– психологик билимларини интеграциялашда дастлаб педагогик ва психологик қобилиятлар ҳисобга олиниши зарур. Бўлажак касб эгасида касбга нисбатан қобилият, қизиқиш мавжуд бўлса, у албатта танлаган касбининг моҳир устаси бўлиб кета олади.

Ёш авлод тарбиялаш мураккаб ва олижаноб вазифа бўлиши билан бирга айни замонда у ғоят даражада мураккаб, масъулиятли ишдир. Бу вазифани муваффақият билан бажариш учун энг аввало ўқитувчида педагогик касбига тегишли педагогик ва психологик, методик билим, малака, маҳорат етарли бўлиши лозим.

II Боб. Бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда интеграциялашган таълимдан фойдаланишнинг методик хусусиятлари.

2.1. Бўлажак ўқитувчининг педагогик–психологик билимларини интеграциялашда мулоқот психологияси ва ундан педагогик фаолиятда фойдаланиш.


Ҳозирги вақтда педагогик амалиётда фанлараро боғланиш асосида таълим жараёнини интеграциялаш бўйича изланишлар давом этмоқда. Бир қатор ишлар бошланғич таълимдаги фанлараро ва фанлар ичидаги алоқаларга бағишланган. Бу муаммолар ўқув фанларини интеграциялашга ўтишнинг яқин ривожланиш зонасидир. Олиб борилаётган изланишлар натижаси сифатида бўлажак ўқитувчининг педагогик ва психологик билимларини интеграциялаш ва унга қўйилган талаблар катта аҳамиятга эга.

Сўровлар натижасида бўлажак ўқитувчиларнинг амалиёт даврида мулоқотга киришиш жараёни мураккаб кечганлигини аниқладик. Шунинг учун биз педагогик-психологик билимларни интеграциялаш жараёнида айнан педагогик мулоқотга диққатимизни қаратдик.

Ҳар бир кишининг ўз “ Мен”и атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади. Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб , институт, ишхона, кексалар орасида яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз. Айрим ҳолларда эса, қониқмасликни хис қиламиз.

Мулоқот фақат инсонларга хос бўлган жараёндир. Кишиларда фаолият жараёнида бир- бирлари билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Ўзаро мулоқот эса, табиийки кишилиқ жамияти вужудга келишининг энг асосий унсури ҳисобланади. Мулоқот – одамлар орасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёндир. Биз буни қуйидаги чизма орқали тасвирладик:

Педагогик- психологик билимларни интеграциялаш



Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив (ўзаро алоқага доир) жиҳати ҳисобга олинади.

Мулоқот тушунчасининг коммуникациядан фарқлаш керак. Коммуникация – тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши – буларнинг барчаси коммуникация. Мулоқот эса фақат инсонлар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда ва муносабатда бўлиш жараёнида шахсга айланиб боради, ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради. Мулоқот ижтимоий фаолликнинг онтогенезда (индивидуал ривожланиш йўли) пайдо бўладиган биринчи туридир. Фаолият давомида инсонлар ўртасида янги- янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, фаолият ва мулоқот ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Кишилар муносабатга киришишдан аввалроқ тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати – нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам мулоқот юритишдан иборат. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир- бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёни коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда идрок этиш) амалга оширилади.

Педагогик мулоқот бу – мулоқот турларидан бири бўлиб педагогик фаолиятда муҳим ўрин тутаяди.

Миллий педагогиканинг асосий вазифаси ёшлар ўртасида миллий ғояни шакллантиришдир. Бунда мулоқот катта аҳамиятга эга.

Республикамизда истиқлолда амалга оширишга мўлжалланган ғоялар мавжуд, Улар Ватанимиз тараққиётини белгилаб берувчи истиқлол дастури вазифасини бажариб келмоқда. Бу ғоялар:

- 1.Ўзбекистон келажаги буюк давлат.
- 2.Ўзбекистон демократик, ҳуқуқий, фуқоролик жамиятини барпо этиш.
- 3.Фуқаролар онгини маънавият машъали билан ёритиш.
- 4.Мустақил фикрловчи фаол, фидойи кишиларни тарбиялаш.
- 5.Комил инсонни камол топтириш кабилардир.

Ватанимизнинг миллий ғояси барча митлатлар учун умумийдир. Миллий ғоя фуқароларнинг диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар бахтли турмуш, фаровон ҳаёт, ўзаро тотувлик, мустақиллик туйғусига садоқат, эзгу ниятлари ушалишини кафолатлайди.

Ижтимоий ҳаётдаги катта ютуқлар билан бир қаторда, шахслараро муносабатларда тил одоби, нутқ маданиятида бузилишлар давом этмоқда, ўзбек тилининг мусаффолиги, аниқ лўндалиги, мантиқийлиги, оҳангдорлиги ва силлиқлиги мулоқотда ўз ифодасини топа олмаяпти. Мулоқот психологиясининг асосий мақсади, аввало ёшларда нутқ маданиятини шакллантиришдир. Шунингдек, ўқитиш жараёнида бўлажак мутахассисларга мулоқот маданияти, муомала одобини сингдириш, гуруҳ ва жамоаларда ўзаро муносабатларни мулоқотни шакллантириш орқали яхшилашдир.

Мулоқот психологиясининг предмети – мулоқот маданияти, мулоқот техникаси, мулоқот этикасини ўрганишдан иборат.

Мулоқот психологиясининг асосий вазифалари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- 1) ҳамкорликдаги фаолият жараёнида шахслараро таъсир ва мулоқот қонуниятларини ўрганиш;
- 2) Шарқ алломаларининг мулоқот ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиш;

3) ўқувчиларни фаолликка ундовчи муомалавий имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш;

4) ўқувчиларда қайси лаёқатни фаоллаштиришга қаратилган мулоқотни шакллантириш;

5) шахслараро муносабатларни мувофиқлаштиришда мулоқотнинг ролини орттириш;

6) ўзаро таъсир этишнинг айрим оқибатларини ҳисобга олиш.

Бундан ташқари мулоқотнинг инсон ижтимоий ҳаётида бажарадиган вазибалари (функция) ҳам мавжуд. Мулоқот функциялари хилма – хил бўлиб, энг кенг тарқалган таснифга кўра улар қуйидагилардан иборат: (Б.Ф.Ломон таклиф этган тасниф):

1. Информацион – коммуникатив функция – ахборот алмашинувини таъминлаш вазибаси. Ахборот алмашинуви турли белгилар, тизимлар орқали амалга оширилади. Одатда вербал (унда белгилар тизими сифатида нутқ ишлатилади) коммуникация фарқланади. Новербал коммуникация бир неча шаклдан иборат:

- кинетика (имо – ишора мимика, пантомимика);
- паралингвистика (овоз локализациялари, паузалар);
- проксемика (масофа ва вақт меъёрлари);
- визуал алоқа (кўзлар орқали алоқа);
- такесика (жисмоний алоқа).

Баъзида мулоқотдаги индивидларнинг дидлари ҳам ўзига хос белгилар тизими сифатида баҳоланади.

2. Регуляцион – коммуникатив функция – суҳбатдошлар хулқ-атворининг регуляция қилиниши (бошқарилиши)ни таъминлаш вазибаси. Кишилар мулоқот жараёнида вербал, жисмоний, новербал йўллар билан бир-бирининг мотивларига, мақсадларига, қарор қабул қилишига таъсир ўтказиши, бирор ҳаракатга ундаши ва ҳаракатини назорат қилиши, бир-

бирининг хулқ-атвориға рағбатлантирувчи ва коррекцияловчи тарзда таъсир кўрсатиши мумкин.

3. Аффектив-коммуникатив функция – инсон эмоционал соҳасининг регуляция (бошқариш) қилинишини таъминлаш вазифаси. Мулоқот инсон эмоционал ҳолатининг энг муҳим детерминантасидир. Чунки турли – туман эмоционал ҳолатлар мулоқот жараёнида пайдо бўлади ва ўзгаради.

Л.А.Карпенко таклиф этган таснифга кўра мулоқотнинг қуйидаги вазифалари ажратилади.

- алоқа ўрнатилиши вазифаси – суҳбатдошни алоқага киритиш учун тайёрлаш;

- информацион вазифа – суҳбатдош билан муайян маълумотлар, фикрлар ва режаларни алмашиш;

- фаолиятга ундаш – суҳбатдошни бирор ҳаракатни бажаришга стимуллаштириш (рағбатлантириш) ;

- координацион вазифа – суҳбатдош билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

- тушунишни таъминлаш вазифаси – суҳбатдошнинг фикрлари ва ҳиссиётларини тушуниш;

- амотив вазифа – суҳбатдошда муайян ҳиссиётларни уйғотиш ҳамда уларни ўзгартириш;

муносабат ўрнатиш вазифаси – муносабатлар тизимидаги шахсий ўринни, мавқени аниқлаш;

- таъсир кўрсатиш вазифаси – суҳбатдошнинг хулқ-атвори, шахсий хусусиятлари мақсадларини ўзгартириш.

Демак, мулоқот мураккаб полифункционал, яъни кўп вазифали ҳодисадир.

Биз бўлажак ўқитувчиларда қуйидаги муомала хусусиятларини шакллантиришимиз зарур:

- муомала маданиятининг назарий асослари;

- шахслараро муносабатлар қонуниятлари;
- педагогик мулоқотнинг қонуниятлари;
- оилада, гуруҳ ва жамоаларда мулоқотга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- шахсда мулоқот шаклланишини ўрганиш;
- муомала маданиятини барча гуруҳ ва жамоаларда шакллантириш;
- шахслараро муносабатларда мулоқотнинг аҳамиятини кузатиш;
- мулоқот хоссаларини билиш ва қўллай олиш;
- гуруҳда мулоқотни шакллантириш методикаларини ўтказиш;
- оилада мулоқот маданияти, мулоқот хоссасаларидан бохабар бўлиш;
- мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида психологик маслаҳатлар ташкил этиш юзасидан кўникмалар ҳосил қилиш.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши интеграцион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъана бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсуниб қаби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Педагогик мулоқот – педагогик таъсирнинг ажралмас сифатидир. Бу ўқитувчи ва ўқувчининг таълим- тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда маълумот алмашинади ва ўқувчиларга ўқув- тарбиявий таъсир ўтказилади. Бунда икки ёқлама мулоқот юзага келишининг асоси сифатида ўзаро ҳурмат ва ишонч хизмат қилади. Педагог ўқувчилар билан мулоқотга киришиш жараёнида улардан ҳурмат кутади. Ўқувчилар ҳам ўқитувчидан ҳурмат ва ишонч талаб этадилар. Мулоқотнинг ўзига хос учта даражалари мавжуд:

Макро даражада (катта) – инсонлар билан мулоқот қилиш барча одоб-ахлоқ меъёрларига суянган ҳолда амалга оширилади.

Мезо даражада (ўрта) – мулоқот таълим мавзу асосида кечади.

Микро даража (кичик) – мулоқотнинг оддий шакллари, савол-жавоб тариқасида юз беради.

Педагогик мулоқотда ижодийлик қуйидагиларга боғлиқ:

- ўқувчилар билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш;
- болага таъсир қилишда унинг хулқ-атворини бошқариш, ўзаро ҳаракатнинг турли йўллари қўллаш;
- ўқитувчининг ўз-ўзини бошқара олиши;
- ўзаро муносабатлар жараёнидаги ижодийлик характери қайси қандай сақлаб билиш.

Ижодийликни амалга ошириш учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- бир неча ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш, унда ўқувчиларнинг кайфиятини, ўқитувчининг болалар билан бўладиган муносабатларини ўрганиш;
- ўқитувчининг дарсда қандай усулларни қўллаши, мулоқотни қандай ташкиллаштириш, ўқув-тарбиявий муаммоларни ечишини аниқлаш;
- ўзининг мулоқот технологиясини бошқа ўқитувчининг технологиясига таққослаши.

Касбий-педагогик мулоқот- мураккаб ҳодиса. Шахс касбий- педагогик мулоқот қилишдан аввал ўз олдига бир неча вазифаларни қўяди. Жумладан, мулоқот мақсадини, мулоқот қачон, қаерда, неча ёшлилар билан ўтказилишини режалаштиради.

Касбий-педагогик мулоқотнинг вазифаси- технологияни ўзлаштириш бўлиб, унда ўқитувчи илиқ муносабатларни қўллаш олади, натижада педагог шахси намоён бўлади.

Дарсда ташаббусни қўлга олиш усуллари қуйидагилардан иборат:

- синф билан алоқани йўлга қўйишда зудлик билан ҳаракат қилиш;
- ташкилий ишлардан дарс жараёнининг муҳим босқичига тезлик билан ўта олиш;

- синфнинг ижтимоий-психологик яқдиллигини, “биз” ҳиссини шакллантириш;
- вазиятга қараб болалар билан мулоқот усулларини қўллаш;
- бутун синф жамоаси билан яхлит алоқани ташкил қилиш;
- таъқиқланган педагогик талабларни камайтириш, вазиятга қараб иш тутиш;
- ўзаро бир-бирини тушунишни ҳис қилиш.

Педагогик коммуникатив маданиятга эришиш учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- болани сабр-тоқат билан тинглаш маданияти;
- унга қизиқарли бўлмаса ҳам болани диққат тинглаш;
- суҳбатлашишдан аввал боланинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилиш;
- бозор иқтисодиётига мос келадиган мулоқот маданиятини ўзлаштиришни таъминлаш.

Ўқитувчи, тарбиячи ва педагог коммуникатив фаолияти педагогик фаолиятдаги мулоқотда муҳим роль ўйнайди. Коммуникатив кўникма қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Кишилар билан мулоқотда бўлиш кўникмаси.

2. Ўқувчилар билан биргаликдаги ижодий фаолиятни ташкил қилиш кўникмаси.

3. Мақсадга йўналтирилган мулоқотни ташкил қилиш ва бошқара олиш кўникмаси (уқуви).

Мулоқотчанлик кўп қатламли бўлиб, уни қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

1) мулоқотга киришувчанлик- коммуникация жараёнидан қониқишни ҳис қила олиш қобилияти;

2) ижтимоий яқинлик- жамиятда бўлишга хоҳиш, кишилар орасида бўлиш истаги;

3) альтруистик (бошқалар манфаати учун ҳаракат қилиш, ёрдам бериш) йўналишлар.

Мулоқотга киришувчанлик. Педагог фаолиятни ташлаб кетган ўқитувчилардан сўровнома асосида олинган маълумотларга кўра, уларда мулоқотчанлик сифатлари касбий фазилат сифатида шаклланмаганлиги аниқланган. Шу жумладан, кучсиз раҳбарларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилган. Педагогик фаолиятдаги мулоқот узоқ давомли мулоқотдир.

Ижтимоий яқинлик вақтинчалик руҳий ҳолат сифатида эмас, балки шахсининг касбий педагогик йўналиши билан боғлиқ ҳолда иштирок этади. Мулоқотчанлик шахс фазилати сифатида педагогик мулоқотнинг маҳсулдор бўлишини таъминлайди. Мулоқотчанликнинг 3 та таркибий қисмини кўриб чиқиш лозим: **Мулоқотга эҳтиёж, мулоқот пайтида ва мулоқотдан кейин яхши кечинмалар ҳис қилиш, коммуникатив кўникма ва малакалар.**

Мулоқотчанлик ҳиссий табиатга эга бўлиб, улар коммуникатив ва альтруистик ҳислардир. Коммуникатив ҳисларга фикр алмашиш, ҳаяжонланиш, симпатия (ёқтириш) ҳис қилиш, мулоқотда бўлаётган ҳамсухбатни ҳурмат қилиш кабилар киради. Альтруистик ҳислар эса кишиларга қувонч келтиришни хошлаш, бошқалар қувончидан хурсанд бўлиш, ҳамдардлик билдириш кабилардан иборат.

Педагогнинг коммуникатив фаолиятига унинг қобилиятлари ҳам киради. Жумладан, дидактик (мавзунини тушунарли, содда тилда баён қилиб бера олиш), ҳиссий иродавий таъсир эта олиш, перцептив- педагогик кузатувчанлик асосида ўқувчи руҳиятига таъсир кўрсатиш, экспрессив- нутқий, мимика, пантомимика асосида фикрнинг тушунтириш, коммуникатив – ўқувчилар билан муносабатларнинг тўғри йўлга қўйиш, педагогик одоб ва хушхулқ, талабчанлик кабилар. Кўриниб турибдики, барча педагогик қобилиятлар коммуникатив қобилиятлар билан боғлиқ бўлади.

Биринчи маратоба дарсга кирганда ўқувчилар билан мулоқотда бўлганда “Ижодийлик ҳисси” туғилади. Дарсни такрорлашда эса “Иккинчи

ижодийлик ҳисси” намоён бўлади. Психолог Л.С.Выготский санъатнинг ижодийлик аксини ўргатиш мумкин эмаслиги, онг орқали биз онгсизлик ҳолатига киришимиз онгли жараёнларни ташкил қилишимиз, улар орқали онгсизлик жараёнларини чиқаришимиз ҳақида фикрлар билдирилган.

Педагогик фаолиятида мулоқотнинг турли босқичларида ҳиссий жиҳатдан ўзини ҳис қилиш муҳим рол ўйнайди. Бевосита мулоқот жараёнида педагогда коммуникатив руҳланиш ҳолати юзага чиқади. Табиийки, ўзини ҳис қилиш педагогнинг умумий ва коммуникатив маданиятига, энг муҳими – педагог шахсининг касбий педагогик даражасига, болалар билан ишлаш хоҳиш истагига боғлиқ.

Психологик ишлар йўналиши бўлажак ўқитувчининг ижодийлик ҳисси, интеллектуал, эмоционал жиҳатини ташкил этади. Ўқитувчи тажрибаси ортиб борган сари дастлабки материаллардан кўнгли тўлмайди. Янги-янги материалларни дарс жараёнида қўллашга ҳаракат қилади. Бунинг учун эса ижодийлик ҳисси шаклланган бўлиши лозим. Ижодийлик ҳисси бўлса, бўлажак ўқитувчи изланади, имкон топади. Ўзини дарсга ҳиссий тайёрлаш бўлажак ўқитувчида ижодийлик ҳиссини келтириб чиқаради. Ижодийлик ҳиссини шакллантиришда куйидагиларга эътиборни қаратиш лозим.

- материал билан ишлашда ундаги асосий ўринларни қидириб топиш;
- синфга мурожаат қилиш, яъни мулоқотда ижодийликка эътибор бериш;
- дарсдан қониқишни ҳис қилиш.

Энг муҳими бўлажак ўқитувчи ўзининг дарсдаги ҳиссий муносабатларини аниқлаб олишидир. Кўпгина бўлажак ўқитувчилар оҳангга, имо-ишора, юз ифодасига, бадиийликка кўп эътибор қаратсалар, айримлари фақат мантиққа ва исбот-далилларга аҳамият берадилар. Педагогларнинг фикрича, дарсда ўқувчининг ўқув материални қандай идрок қилиши муҳимдир. Шундагина унда ижодийлик туғилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ижодийлик ҳиссини мустаҳкамлаш учун ўзининг материалга

нисбатан ҳиссий муносабатининг ташқи ифодасини сақлай билиш керак. Бунинг учун эса бўлажак ўқитувчи ойнага қараб сўзлаш, фикрлаш, дарс жараёнини ҳис қилиш, мисолларни кўпроқ келтириш, буюк шахслар фаолиятдан аниқ вазиятларни келтириш ҳамда дарсга тезда мослашиш катта аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчи ўзига дарсга киришдан аввал кўрсатма (вазифа) беришни ўрганиши лозим. Дарс жараёнида ва дарсдан сўнг бўлажак ўқитувчи ўзини таҳлил қилиб бориши яхши натижаларга олиб келади. Дарс режасини иложи борица майдалаштириб, яъни бўлақларга бўлиб олиб матн тайёрланса, дарс жараёни яхши шаклланади, бўлажак ўқитувчи ижодийлик ҳисси асосида дарс ўтади.

Бўлажак ўқитувчи ўзида ижодийлик ҳиссини шакллантириш ва бошқариш учун қуйидаги аутотренинглари қўллаш мумкин:

- мен тинч, хотиржамман;
- мен ишонч билан дарс ўта оламан;
- болалар мени тинглашади;
- мен дарсга яхши тайёрланганман;
- дарс жуда қизиқарли бўлади;
- болаларнинг мен билан бирга бўлишлари жуда қизиқарли;
- кайфиятим яхши;
- менга дарсда ишлаш ёқади.

Биз кўз олдимизга биринчи дарсни келтира олсак, ўша пайтдаги ҳаяжонни, қувончни, ижодийлик ҳиссини туямиз. Болалар билан бўлган дамларимиз эса қолиши, хотирамизда ундан из қолиши мулоқот услубига боғлиқ. Педагог коммуникатив мулоқотнинг маҳсулдор бўлиши учун педагогик таъсир кучининг тизимларини, унинг ҳар бир қисмини билиш лозим. Дарс жараёнида ўқитувчи қайси усулларни қўллашни доимо эслаб туриши керак. Бунинг учун бўлажак ўқитувчи 2 та муҳим муаммони ҳисобга олиши:

- ўзининг ҳатти-ҳаракатини тўғри ташкил этиш;

- коммуникатив таъсир самарадорлигини таъминлаш зарур.

Педагогик фаоляит жараёнидаги мулоқотни қуйидаги тавсифлаш мумкин:

1. Ўқувчи ва педагогик мулоқот тизимининг умумий тузилиши (мулоқотнинг аниқ усули).
2. Педагогик фаоляитнинг аниқ босқичи учун хос бўлган мулоқот тизими.
3. Аниқ педагогик ва коммуникатив масалаларни ечишда намоён бўладиган мулоқотнинг вазиятли тизими.

Педагог ва таълим олувчиларнинг ижтимоий психологик таъсир хусусиятларини мулоқот услублари орқали қуйидагича тушунтириш мумкин:

1. Педагогнинг коммуникатив имкониятлари.
2. Педагог ва тарбияланувчиларнинг ўртасидаги муносабатлар табиати.
3. Педагогнинг ижодий индивидуаллиги.
4. Ўқувчилар жамоасининг хусусиятлари (Канн-Калик. Учителю о педагогическом общении. 97-бет).

Мулоқот усулларига қуйидагилар киради:

1. Ҳамкорликдаги ижодий фаоляитга қизиқиш асосидаги мулоқот.
2. Дўстона муносабатлар асосидаги мулоқот.
3. Масофадан туриб мулоқотга киритиш.
4. Қўрқитиш (қўрқув) асосидаги мулоқот.
5. Сохта орў-эътибор қозониш учун ташкил қилинадиган мулоқот.

Биринчи услуб асосини педагогнинг юқори касб этикаси (ахлоқи) ташкил этади. Бу услуб ҳақида М.О.Кнебел, И.П.Волков, В.Ф.Шаталовлар ўз фикрларини билдирганлар. Уларнинг фикрича, болалар билан бўладиган муносабат ва педагогик ҳиссиётлар мана шу услуб асосида шаклланади.

Иккинчи услуб асосан дўстона муносабатлар, ўқув-тарбиявий фаоляитда шаклланади. Дўстона муносабатлар мулоқотнинг бошқарилишини

таъминлайди. Мароқлилик билан дўстона муносабат биргаликда ривожланади. Педагог бир томондан болалар учун яқин ўртоқ, иккинчи томондан биргаликдаги фаолият қатнашчиси бўлиши лозим.

Учинчи услуб, яъни масофадан туриб мулоқотга киришиш муҳим аҳамиятга эга. Педагог билан ўқувчи ўртасида муайян масофа бўлиши керак. Масофа жуда узок бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда расмиятчилик кучайиб, ижодийлик муҳити шаклланмайди. Педагог масофани сақласа обрў-эътибори ортади.

Тўртинчи услуб – кўрқитиш асосидаги мулоқот бўлиб, бу услуб мулоқотнинг негатив шаклидир. Баъзи педагоглар ўқувчиларни кўрқитиш орқали мулоқотда бўлади. Чунки уларда педагогик маҳорат яхши шаклланмаган бўлади. Айниқса, катта аудиторияда маъруза ўқийдиган маърузачилар аудиторияни шу услуб асосида бошқарадилар. Жуда қаттиқ туриб, тингловчиларни кўрқитиб, педагогик мулоқотни муваффақиятли амалга ошираман деб хисобловчилар янглишади. Бу ўзаро тушунишга тўсқинлик қилади.

Бешинчи услуб - сохта обрў – эътибор қозониш учун ташкил қилинадиган мулоқот бўлиб ёш ўқитувчилар малакаси етарли бўлмагани учун ёлғон ишлатадилар. Бу билан ўқитувчи ўқувчи билан тезроқ мулоқотда бўлиб олишга ҳаракат қилади. Бундай усулни қўллайдиган педагогга умумий педагогик ва коммуникатив маданият етишмайди. Демак, педагогларнинг фикрича биринчи ва иккинчи услуб асосида мулоқотга киришишигина яхши натижаларга олиб келади.

Касбий педагогик мулоқотнинг бешта босқичи бор. Булар:

1.Мулоқот жараёнида мўлжал олиш. Бу босқичда педагог мулоқотининг англоганлиги юзага чиқади. Шунингдек, янги коммуникатив фаолият шароитида мулоқот услубини аниқлаш ҳам юзага чиқади. Психолог Ш.А.Амонашивили болалар мактабга келмасидан аввал уларга хат ёзган. Масалан, «Салом, қадрли . . . Мен сенинг ўқитувчингман. Менинг исмим

Шалва Александрович. Мактабга кираётганинг билан табриклайман. Умид қиламанки, сен билан дўст бўлиб кетамиз. Сенинг 35 та ўртоғинг бўлади. Сени синфда кутаман». Демак, бу ерда ўқувчига мўлжалга олиш кўрсатмаси бериляпти.

2. Педагогик фаолиятнинг муҳим жиҳати- эътиборни ўзига тортиш бўлиб, бола билан самарали мулоқотни амалга ошириш учун дарс жараёнида боланинг диққати барқарор бўлиши керак. Ўзига жалб қилишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- вербал мулоқотда бўлиш (нутқий);
- танаффус қилиш;
- ҳаракатли (доскага ёзиш, кўргазмани осиш);
- аралаш усул (юқоридагиларни биргаликда қўллаш)

Дарсда кўпинча аралаш вариант усулидан фойдаланилади. Олимларнинг фикрича, юз ифодаси ва имо- ишоралар орқали маърузада 40% ахборот берилади.

3. Объектнинг (киши) қалбини забт этиш босқичи педагогик мулоқотни ташкил этишда катта аҳамиятга эга. Моҳияти жиҳатидан бу босқич коммуникацияни ўзига хос излаш босқичидир. Масалан, янги материални баён этишда педагог болаларни мулоқотга тайёрлаб олади. Ўқитувчининг ўқувчини тушуниши касбий – педагогик мулоқотнинг калити хисобланади.

4. Педагогик мулоқотнинг яна бир босқичи вербал мулоқот, яъни ўқитувчининг янги материални ўқувчиларга оғзаки баён қилиб беришидир. Педагог учун нутқ мулоқоти жуда муҳим. Педагогик мулоқот тизимида педагогнинг сўзи образлар қўзғатувчиси бўлиб хисобланади.

5. Педагог билан тингловчи ўртасидаги ўзаро ҳаракатда ҳаяжонни узатишнинг коммуникатив воситалари муҳим роль ўйнайди. Жумладан: педагогнинг нутқи жонли, оҳангларга бой, тушунарли, аниқ, сода тилда бўлиши керак. Шунда тингловчиларнинг идроки тўлиқ образли бўлади.

Касбий мулоқот тренинги машқлари тизими икки босқични ўз ичига олади:

а) педагогик коммуникация элементларини амалий эгаллашга қаратилган машқлар;

б) берилган педагогик вазият асосида мулоқотнинг барча тизимини эгаллашга қаратилган машқлар. Тренинг самарали бўлиши учун бўлажак ўқитувчилар бирлашган ҳолда иш олиб бориши лозим. Бўлажак ўқитувчилар учун бирлашган семинар тренинглари ташкил қилиш яхши натижа беради. Таҷрибали педагог раҳбарлигида ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

1- босқич – ҳамма учун яратилган шароитда ҳаракат қилишни ўрганиш. Масалан, хаёлан аудиторияга кириш, доскага санани ёзинг, юринг, материалларни тайёрланг, столга ўтириш, китобни ёки журнални очинг, эшикни ёпинг, ташқарига чиқинг. Бу ҳаракатларни яна бир марта қайтаринг. Тезда кириш, тезда чиқишни ўрганиш.

2- босқич – педагогик фаолият жараёнида мускуллар эркинлигини шакллантириш. Қўлларингизни қимирлатинг, хис қилинг. Қаерга сизнинг қувватингиз боряпти. (Бўйнингизгами, бош бармоғингизгами, қўлингизгами; ортиқча оғирликни (зўриқиш) йўқотишга ҳаракат қилинг, бармоғингизни қаттиқ ушланг, бўйнингизни, кейин елкангизни бўш қўйинг, қўлингиз эркин ҳаракат қилсин, кўрсаткич бармоғингиз эса қаттиқ турсин. 10 гача санаб барча мускулларингизни бўшатишга ҳаракат қилинг, бошингиздан бошлаб то оёқ бармоқларингизгача. Кейин бешгача санаб барча мускулларингизни яна бўшаштиришга ҳаракат қилинг.

Босимни (зўриқиш) ушлаб туриш ва олиб ташлаш. Бир деб, ушлаб туринг, икки деб бўшашинг. Барча аъзоларингизни (қўл, оёқ, бармоқ, бўйин каби) навбатма- навбат бўшатиш. Бу машқларни юриб бажариш мумкин.

Элементар (оддий) педагогик ҳаракатларни бажариш давомида мускуллардаги босимни олиб ташлаш. Хаёлан аудиторияга кириш. Столга

яқинлашинг(ортиқча зўриқиш олиб ташланади), столда ўтириб ёзинг, доскага ёзинг. Кўргазмаларни мустаҳкамланг(ортиқча зўриқишни олиб ташланг).

Аудиторияда хиссий қулайликка эришиш. Аудиторияга кириш, эшик орқасида танангизнинг тетиклигини ҳис қилинг. Кириш, қулай жойни танланг. Қулай юришни топинг, юринг, қўлларингизни орқага қилиб юринг, ўзингизни яхши ҳис этишга ҳаракат қилинг.

Кузатувчанлик. Диққатни тўплай олиш, ихтиёрий диққат кўникмаларини ривожлантириш. Гуруҳдошлардан бири билан педагог ролида туриб сўзлашинг. Тасаввур қилинг, сиз тингловчисиз: буйруқни эшитинг. Тик ҳолатда туринг, алифбо бўйича фамилияда туринг, кейин исм бўйича. Энди бир- бирингизнинг сочингиз рангига қаранг. Аудиторияга кирганда диққатингизни тўплаш учун аввал бир тингловчига эътиборингизни қаратинг, кейин барчага диққатингизни қаратинг. Бу машқ диққатнинг барқарор бўлишига ёрдам беради.

Мулоқотнинг оддий кўникмасини ривожлантириш. Хаёлингизда аудиторияга кириш, саломлашинг, мимика, пантомимика, қараш билан тингловчилар диққатини ўзингизга қаратинг. Тингловчига турли таъсирлар орқали (илтимос, талаб, огоҳлантириш, рағбатлантириш, юмор, савол, буйруқ кабилар) муурожаат қилинг.

Ташаббусни бошқариш. (А.А. Леонтьев тадқиқоти бўйича). Сиз бир киши билан гаплашяпсиз. Сиз тинглаяпсиз, у гапиряпти. Ташаббусни кўлингизга олиб, энди сиз гапиринг. Дарсда охириги столда ўтирганлардан кўзингизни узманг.

Педагогик мулоқотни бошқариш. Тасаввур қилинг, сиз гуруҳ раҳбарисиз: дарсдан сўнг гуруҳдагилар билан металл чиқиндилари йиғиш ҳақида гаплашинг. Гуруҳдагилар бир- бирини хафа қилиб қўйишди. Сиз улар билан дилдан суҳбатлашинг.

Имо – ишораларни танлаш. Ҳар бир вазиятда ҳам имо- ишоралар керакми? Гуруҳ аъзоларини бир жуфтдан қилиб бир- бирига қарама- қарши

қилиб ўтиргизиб қўйинг. Бу усул «Кўзгу» дейилади. Биттаси кўзгуга (кўзига) қарайди. Иккинчиси «Кўзгу» ролини ўйнайди. «Кўзгу» ролидаги киши барча ҳаракатларни такрорлаб туради.

Тренинг иккинчи босқичи – педагогик мулоқот жараёнида яхлит ўқитиш.

Бу гуруҳдаги машқлар икки қисмга бўлинади:

1. Типик вазиятда ҳаракат қилиш: кузатувчанлик кўникмасини ривожлантириш, вазиятга ўйлаб баҳо бериш, ҳар қандай педагогик далилни таҳлил қилиш, педагогик фаолият шароитида типик педагогик вазиятлар бўйича ҳаракат қилиш. Ўқитувчи ишини кузатишда тингловчилар билан қандай усул орқали иш олиб бориши, яъни унинг қандай мулоқот турларидан фойдаланиши кузатилади. Жумладан, кайфияти, ўз хиссиётларини бошқара олиш, дарсда педагогик ҳаяжонланиши кабилар.

2. Педагогик кузатувчанликни машқ қилиш. Боланинг расмига қараб унинг турли ҳиссий ҳолатларини аниқланг (мамнунлиги, қийналаётгани, муваффақиятсизлиги, айёрлиги кабилар). Кузатишларингизни гуруҳ раҳбари ахбороти билан таққосланг.

Ўқитувчи шахси – бу уни инсон сифатида характерловчи ижтимоий аҳамиятга молик фазилатларнинг барқарор тизимидир. Ўқитувчи шахси ўз касбига ихлос қўйиши ва унинг ижтимоий аҳамиятини тушуниб етиши, болаларга таъсир ўтказиши ва улар билан ҳамдардлигида намоён бўлувчи шундай фазилатлар мажмуасидирки, улар ўқитувчи фаолияти ва мулоқоти билан уйғунлашганда ўқитувчи меҳнатининг бир бутунлигига эришилади.

Буюк рус адиби Л.Н.Толстой ўқитувчи фазилатининг мукамаллигини ўз мутахассислигига нисбатан ижобий муносабатда бўлиш билан бир вақтда болаларга бўлган муносабатида, уларни худди ўз фарзандларидек жон – дилидан севишида эканлигида кўрган. Унинг таъбирича, агар ўқитувчи фақат ишига ҳавас қўйган бўлса, у яхши ўқитуви бўлади. Агар ўқитувчи фақат ота-онаси каби ҳавас қўйган бўлса, у олдинги ўқитувчидан яхшироқ бўлади.

Бордию, иккала ҳислатни ўзида мужассамлаштирса, у ҳолда мукамал ўқитувчи бўлади.

Педагогик фаолиятда сабр – тоқат, ташқи вазминлик нуқтаи назаридан ўз ҳис – туйғуларини қўлга олишгина ниҳоятда муҳим бўлиб қолмасдан, шу билан бирга турли ҳиссиётлар ҳолатларнинг рўй бериши ва кечинишини маълум даражада бошқара билиш, кечинмаларнинг ижобий тусда бўлишига эришиш ҳам муҳимдир. Чунки ҳатто жанжалли вазиятларга ҳам турлича ёндашиш мумкин. Бу кўп жиҳатдан кишининг қандай йўл тутишига боғлиқ бўлади.

Нохуш ҳиссиётларни йўқотиш ёки камайтиришга, масалан, қуйидагича йўл тутиш ёрдам беради: менга осойишта, дадил овоз билан дарс олиб бориш, тарбиявий тадбирлар ўтказиш, сабр – тоқат ва ўзини тута билиш намунасини кўрсатиш завқ бағишлайди. Талабалар гуруҳида жанжалли вазият чиқиб қолгудай бўлса, сабр- тоқат ва хушмуомалалик намоён қилиш, бақриб, асабийлашаётган, қизишаётган, кадр - қимматини йўқотаётган кишидан юқори туриш ва шу кабилар менга хузур бағишлайди.

Ўқитувчининг бу вазиятларда қандай йўл тутиши ва бу йўл тутиш нималар бериши мумкин?

Шундай ўқитувчилар учраб турадики, улар ўзларини мутлақо ҳар хил тутадилар ва ҳар қандай йўл тутишларига, масалан, бошлиққа ёки бўйсунувчи кишига нисбатан қандай йўл тутишларига қараб, турли ҳиссиётларни бошдан кечирадилар. Бундай киши бошлиқ билан бўлаётган суҳбат унчалик ёқимли бўлмаётган чоқда ҳам одатда анча вазмин, хушмуомала бўлади, мулойим кулади. Бўйсунувчи кишига нисбатан (ўқитувчи эса ўқувчига нисбатан) холисонилло олиб қараганда анча осойишта шароитда ҳам «қизиша» бошлайди, асабийлашиб, ҳаяжонланади. Кўпинча ўзидан кўрқадиган ва чўчийдиган одамлар одида шундай қилади.

Киши етарли даражада маданиятли бўлмаса, бунинг устига ўзини онгли равишда назорат қилмаса, ўзидан кўрқишаётганини кўрса, унда

жўшқин тажовузкорлик йўлини тутиш пайдо бўлади. Шу билан бирга онгли равишда вазмин, ўйланган, муносиб хулқ -атворли бўлиш йўлини тутиш ўз хиссиётларини жиловлай билишга, улардан энг нохуш хиссиётлар - ғазаб, жаҳл ва шу кабиларга барҳам бериш, уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Педагогик фаолиятда ўз-ўзини назорат қилиш асосий ўринда туради. Инсон ўзини ёмон ҳис қилганда, унда ўз -ўзини назорат қилиш заифлашиб қолади, унинг хулқ- атвори вазмин бўлмай қолади, ҳар хил беихтиёр ва ўйланмаган хатти - ҳаракатлар, жанжаллар, ахлоқий мейёрларнинг бузилиши содир бўлиши мумкин. Ўз- ўзига таъсир қилиш ҳиссий жараёнларнинг ижобий ҳолатига, кишининг саломатлиги яхши бўлишига ёрдам беради, унинг иродаси ва феъл – атворига билвосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, ўз- ўзига таъсир қилиш ўзининг ҳар қандай вариантида ҳам ижобий ҳиссий ҳолатни сақлаб қолишнинг фақат ёрдамчи воситаси ҳисобланади. Кўнгил хотиржамлигининг энг муҳим шарти – ақлий ва жисмоний меҳнат, билиш ва яратувчилик жараёнларидан шод бўлиш, ўзининг ўқитувчилик фаолияти натижаларидан зўр қониқиш ҳосил қилишдир.

Ўз устида ишлашда педагогик мулоқотнинг қуйидаги босқичларига эътиборни қаратиш лозим:

- болада яхши таассурот қолдириш учун ташқи кўринишингизга аҳамият беринг;
- бугунги кун талабларидан келиб чиққан холда мулоқотнинг бу босқичини эътибордан четда қолдирманг;
- бошқалар билан мулоқотда кескин бурилишга йўл кўйманг;
- аудитория билан иш бошлашдан аввал фақат ўзингизнинг педагогик материалларингиз ҳақида эмас, балки боланинг ҳолати, фаолиятга тайёрлиги ҳақида ўйланг;
- бугунги мулоқот кўнгилдагидек бўлмаса, уни тузатишга ҳаракат қилинг.

Ўқитувчининг ишида муомаланинг турли босқичларида унинг эмоционал кайфияти: фаолиятга ҳозирлик кўриш жараёнида, уни амалга ошириш даврида, муомала амалга ошгандан кейинги ҳис қилинадиган сезгиларда ва кечинмаларда муҳим роль ўйнайди. Шу тариқа биз касбий – педагогик муомалани амалга ошириш учун жуда муҳим бўлган педагогнинг психик ҳолатлари ва уларни фаолият ҳамда муомала жараёнида бошқариш муаммосига яқинлашиб келяпмиз.

Касбий – педагогик муомала жараёнида ижодий кайфиятни бошқариш муаммолари ниҳоятда муҳимдир. Дарсга бўлган психологик рағбат, синф билан бўладиган муомалага рағбат, ўзаро фикр алмашиш илҳоми деган илҳомнинг вужудга келиши ва амалга оширилиши мураккаб жараён дир. Дастлаб педагогнинг мустақил психологик йул тутиши асосида, унинг педагогик ишга муносабати уни жалб қиладиган бўлажак фаолияти материалига муносабати натижасида, болалар билан бўладиган муомаладан қониқишни олдиндан ҳис қилиш асосида вужудга келадиган илҳом синф билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш пайтида худди анна шу бевосита алоқага муҳтож бўлади, бевосита муомала асосида ривожланади ва мустаҳкамланади. Педагогнинг ўзаро фикр алмашишидаги кайфияти унинг умумий фикр алмашиш маданияти даражасига ҳам, ва энг асосийси, ўқитувчи шахсининг касбий – педагогик йўналиши даражасига, унинг болалар билан ишлаш истагига боғлиқ бўлади ва шундай қилиб, педагогнинг касбий – ахлоқий йўл тутиши билан боғлиқ бўлади.

Педагогнинг болалар билан муомаладаги ижодий кайфияти ўқитувчининг ижодий индивидуаллигининг ўзига хослиги, ўқувчилар жамоасининг хусусиятлари, фаолият шароитлари ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган кўп қиррали жараён дир. Педагогнинг муомаладаги кайфияти педагогик таъсир кўрсатишнинг объектлари – субъектлари бўлган ўқувчиларнинг ижодий кайфияти билан кўп жиҳатдан боғлиқ дир. Бунинг устига ўқитувчининг мустақил психологик йўл тутиши асосида вужудга

келадиган ижодий кайфият унинг синф билан ўзаро ҳамкорлиги пайтида айнан ўқувчилар билан узвий муомалага асосланади, бинобарин, ўқувчилар жамоасининг ижодий кайфиятига муқаррар равишда таянади.

Болалар билан бевосита муомалада ижодга аниқ рағбат билдириш мураккаб бўлиб, ҳар бир ўқитувчида ўзига хос тарзда кечади. Педагогларнинг кўпчилиги бўлажак дарсга психологик рағбатни мунтазам равишда амалга ошириб турадилар, болалар билан учрашувга психологик жиҳатдан тайёргарлик кўрадилар. Педагог ижодий кайфиятни вужудга келтириш учун амалга оширадиган психологик ишнинг йўналишлари хилма - хил бўлиб, унинг ақлий томонларини ҳам, ҳиссий томонларини ҳам қамраб олади. Бу - дарсни фикран бошдан кечиришга интилиш, тадбир ва бўлажак муомаладан иборат бўлиб, унинг мумкин бўлган шакллари олдиндан айтиб бериш анна шу иш орқали зарур ижодий кайфиятни вужудга келтиришдир, у бўлажак фаолиятни ҳис қилиб кўришга, унга ҳиссий жиҳатдан берилишга ёрдамлашади. Бундай ишни амалга ошириш муқаррар равишда фаолият (дарс, тадбир) материалига ўзининг ҳиссий муносабатини янгилаш билан боғлиқдир. Бу янгилаш баъзан таниш бўлади, чунки материални бундай янгилаш асосида идрок қилишсиз фаолиятнинг ўзига маҳлиё бўлиш қийин.

Педагогнинг ижодий иш жараёни учун дарс материални ўзининг шахсий тажрибаси билан қиёслашга интилиш ибратлидир, бу тажриба материални ҳиссий янгилашга, ундаги янги боғланишлар ҳамда воситаларни кўришга ёрдам беради. Бундай интилиш айниқса гуманитар мутахассисликлар вакилларига хосдир. Чунки таҳлил материали, айтайлик, адабий асар материали пелагог томонидан шахсан чуқур воситаланган, тарихчининг ҳаяжонли ҳикояси каби бошдан кечирилган бўлиши, унда Ватанимиз ўтмишининг болалар қалбига яқин манзаралари сезиларли равишда жонланиши лозим. Кўпгина ўқитувчиларга шу нарса хоски, улар шахсдан ташқари тажрибага, табиийки, шахсан воситаланган тажрибага интиладилар. Педагог ижодий кайфият излаб, жон – дили билан ўз

билимларига, методик тавсияларга, ўқиган ва кўрган нарсаларидан олган таассуротларига таянади, улар фаолият материалларини янгилашга ёрдам беради.

Педагогнинг ижодий кайфиятини бошқаришнинг алоҳида бир муҳим муаммоси бундай кайфиятни бевосита фаолият олдидан чақириш ва сафарбар қилиш ноижодий кайфиятни енгиш ҳисобланади.

К.С. Станиславский тизими асосида педагогнинг ижодий жараёнини ўрганиш шунга ишонч ҳосил қилдирадими, ижодий кайфиятни, айниқса, бевосита инсоний муомла билан боғланган ижодий фаолият турларида сафарбар қилиш учун «жисмоний ҳаракатлар» усулини қўлланиш жуда истиқболли бўлиб, у ҳақда алоҳида фикр юритиш зарурдир. Бу усулнинг моҳияти «Муайян ҳиссий ҳолатга хос бўлган, кишида бу ҳиссиётларнинг ўзи келтириб чиқаришга қодир улган жисмоний ҳаракатларни бажаришдан иборат бўлиб, мазкур ҳиссиётларни анна шу ҳаракатлар тақозо қилади». (Шу нарсани эсга олайлик: биз ҳаяжонимизни енгмоқчи бўлсак, бирмунча тўхтаб, нафасимизни ростлашга, секинроқ ҳаракат қилишга интиламиз, яъни шундай ҳаракат қиламизки, худди мутлақо хотиржам пайтимизда қандай бўлсак, ўзимизни шундай тутамиз, натижада ҳаяхонланиш аста – секин ўтиб кетади.)

Айтайлик, дарсга тайёрланган, тадбирни ва шу кабиларни ҳозирлаган бўлажак ўқитувчи ёмон кайфиятда. Бу ўринда жисмоний ҳаракатлар усули қандай ёрдам бераркин? «Борди –ю» сеҳрли сўз ёрдамга келиши лозим. «Борди-ю, мен яхши кайфиятда бўлганимда, бундай бўлиши мумкин эди: мен тетик, эпчил одим ташлаб синфга кирардис. Самимий саломлашардим. . .» Айни вақтда бўлажак ўқитувчи яхши кайфиятда бўлган ўзининг хатти - ҳаракатлари бутун мантиқини жисмонан такрорларди, бу ҳолатга чинакамига ишониши керак. Ўзидан кайфиятни сиқиб чиқариш керак эмас, балки изчил ҳаракат қилиш керак. Ҳаракатлар ҳамиша ҳам бизнинг назорат қилишимизга бардош беравермайди ва секин- аста диққатни ишга жалб қилади, бегона таъсирлардан чалғитади, бизни зарур ҳис- туйғуга, бу ўринда ижодий

кайфиятга олиб келади. Бир талаба қизнинг ўз устида олиб борган кузатишини келтириб ўтамыз:

«Шундай қилиб, бугун эрталабдан кайфиятим ёмон эди. Ўеч нарса қилгим, айниқса дарс бергим келмасди. Мактабга қўнғироқ чалинишидан икки минут олдин келдим, ўқитувчилар хонасида у ёқ- бу ёғимга қараб олгунимча кириш вақти бўлди. Ўқитувчилар хонасидан чиқишим билан кайфиятим яхши, жуда дарс бергим келяпти, синфда мени кутишяпти - мен ана шундайман деган қарорга келдим. Мен энди йўлак бўйлаб тетик, дадил одим ташлаб боряпман, ўзим жуда самимийман, саломлашаман ва болаларга табассум қиламан, мен кўп нарса қилишим керак, хавотирдаман, бугун ўтадиган материалим қийин, лекин қизиқарли. Ўзим билан бирга кўпгина қизиқарли ва фойдали нарсалар олиб келганман. Ҳаммаси яхши бўлади. Синфга кираман, тетик ва дадил: «Салом, болалар» дейман. Ўтирамыз. Болалар ҳам ғайратли, озода кийинишган. Дарс бошланди, ўзимнинг «борди-ю» деган сўзимни қачон ташлаганимни ва дарсга берилиб кетганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Ўзимни жуда яхши ҳис қилдим, кайфиятим ёмонлигини ва уни енгиш кераклигини унутиб юбордим. Ҳаммаси ажойиб бўлди»

«Жисмоний ҳаракатлар» усулидан фойдаланишда «борди-ю» вазиятида таклиф этиладиган ҳолатларнинг янгилиги ҳиссий кўзғалишларнинг кўдратли воситасидир. Бир вақтлар қабул қилинган «борди-ю» сўзини ҳар гал такрорлайвериш керак эмас, балки уни янги вазифалар, нозик фарқлар, товланишлар билан очиб беришга ҳаракат қилиш, ҳар гал жозибадорроқ қилиш керак. Табиийки, бу «жисмоний ҳаракатлар» материални, синфни яхши билишга, дарсни тайёрлаш соҳасидаги бутун дастлабки ишга, хусусан мароқли вазифалар қўйишга таъсир қилиши лозим.

Педагогик ижодкорликда «жисмоний ҳаракатлар» усулини рўёбга чиқаришнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у фақат бевосита ижодкорлик (одамлар билан муомала) бошланишидан олдин ўзининг ижодий табиатини

сафарбар қилишнинг воситаси сифатидагина зарурдир, кейин эса «борди-ю» ҳолатидаги «жисмоний ҳаракатлар» мантиқи ижодкорлик вазияти билан чинакамига маънавий мойилликка секин-аста ўсиб ўтади, энди «борди-ю» ҳолатида эмас, балки синф билан ҳақиқий муомалада бўлади.

Муомалада ижодий кайфиятни шакллантириш мураккаб жараёндир. Бу ерда кўпинча педагог зўриқиш туйғусини бошдан кечиради, буни педагогик ижодкорликнинг омма ўртасидаги фаолият, ўзгариб боровчи ижодкорлик ҳолати, ўзининг психик ҳолатларини бошқариш зарурлиги, меҳнатнинг ўзаро фикр алмашиш жиҳатдан бойлиги каби хусусиятлари тақозо қилади.

Педагогик ижодкорлик ва муомала жараёнида вужудга келадиган бу зўриқишни, шунингдек, бошқа нохуш ҳолатларни енгил учун ўз- ўзини тарбиялаш юзасидан доимий иш олиб бориш зарур. Ўз- ўзига таъсир қилишнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилардир: Ўз- ўзини ишонтириш, ўз- ўзига буйруқ бериш, ўз- ўзини мажбур қилиш, ўз - ўзига мажбурият юклаш, ўз-ўзини рағбатлантириш, ўз-ўзини жазолаш, ўз- ўзини машқ қилдириш, ниҳоят ўз-ўзига таъсир қилишдир.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик- психологик билимларини интеграциялаш жараёни муайян тамойилларга жавоб бериши керак:

- **касбий йўналтирилганлик- етакчи тамойил, чунки касбномани амалга оширишини таъминлайди;**
- **муаммоли- мажмуавий тамойил- ўқув жараёнини ташкил этишда вақтдан унумли фойдаланиб, энг долзарб педагогик масалалар мазмунини танлаб олиш ва фанлар узвийлигини таъминлаш;**
- **шахснинг фаоллиги тамойили;**
- **касбий долзарблик тамойили- инновацион методикаларга ўргатиш ва педагогик фаолиятни ташкил этишнинг энг оптимал технологиясини лойиҳалаштириш.**

Бўлажак ўқитувчилар педагогик сифатлар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлишлари учун биз қуйидаги модул асосида иш олиб бордик:

- 1-модул - Диққат ва унинг педагогик фаолиятдаги роли**
- 2- модул - Педагогик қобилият ва қизиқишлар.**
- 3- модул - Ўқитувчи нутқи ва тафаккурининг хусусиятлари**
- 4- модул - Ўқитувчининг иродавий сифатлари.**

ДИҚҚАТ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДАГИ РОЛИ

Онгни бир нуқтага тўплаб, муайян бир объектга фаол қаратилишига диққат деб аталади.

Педагогик диққат педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида бир қатор психолог олимлар (Н.Д.Левитов, Ф.Н.Гоноболдинлар)нинг асарларида асосли ҳолда ўрганиб чиқилган.

Диққатнинг тарбиявий таъсир кўрсатишдаги алоҳида ролини таъкидлаб ўтиш керак. Педагогик фаолиятда педагогнинг диққати совуқ, мулоҳазакор диққат эмас, балки ҳиссий, фаол диққат бўлиши зарур. Чунки ҳиссий, фаол диққат – барқарор диққат ҳолатини уйғотишга ёрдам беради.

Педагогик фаолият, одатда, кўп миқдордаги диққат объектларига эгадир, у кўп томонлама диққат деган диққатдир. Педагогик фаолиятда диққатни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, заруратга қараб уни айни вақтда барча объектларга тарқатиш ва фақат бир нечтасига жамлаш – педагогнинг мураккаб вазифасидир. Унинг диққати айни вақтда ҳам барқарор, ҳам амалий диққат бўлиши зарур. Таълим – тарбия жараёнида педагогнинг диққатига доимо таъсир кўрсатадиган таъсирлар тизими мавжуд бўлади. Улар: аудиториядаги ўқувчи болалар ёки талабалар сонининг кўп миқдода бўлиши, уларнинг ўзаро гаплашуви ва тингловчиларнинг ички кечинмалари ва шу кабилар.

Ижодий педагогик диққат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб улар қуйидагилардан иборатдир:

- 1) диққат йўналишининг кўп объектлилиги:

2) фаолият жараёнида диққатнинг жўшқинлиги ва амалийлиги (объектларнинг ва шу кабиларнинг алмашилиб туриши):

3) диққатнинг барқарорлиги. Кўрсатиб ўтилган бу хусусиятларнинг ўзиёқ педагогнинг ижодий жараёнида диққатнинг касб – корлик моҳиятини англаш учун ниҳоятда муҳимдир.

Агар шиддатли диққат ижодий илҳомнинг муҳим таркибий қисми сифатида меҳнат қилишга бўлган ирода ва меҳнат курали билан кучли мойиллик бирлигида ўзининг психологик табиатига эга эканлигига кўшиладиган бўлсак, у ҳолда диққатда ақлий, ҳиссий, иродавий диққатларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Педагогик диққат муаммоларига бағишланган замонавий асарларда, одатда, ақлий ва иродавий жиҳатлар қайд қилинади, ҳиссий жиҳатлар камроқ кўрсатилади. Шу билан бирга айна диққатнинг ҳиссий жиҳатлари педагогик ижодкорликнинг баъзи бир кам шаклланган муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Бу жиҳатдан педагогик диққат теварак – атрофдаги воқеликни идрок этиш учун ҳамиша ҳам қулай бўлмаган эстетик хусусиятларни қамраб олишга қодир бўлган рассомнинг диққатига яқиндир. Рассом ўз диққатининг ҳиссий хусусиятлари эстетик таъсирчанлиги асосида уларни кўпчилик кишилар учун худди «моддийлаштиригандай бўлади». Педагог ҳам ана шундай иш қилади, у энг майда – чуйда белгиларга қараб педагогик вазиятни ва фаолиятнинг бошқа жиҳатларини, бошқа кишининг идрок этиши учун камроқ қулайроқ бўлган жиҳатларини олдиндан айтиб беришга қодирдир. Диққатнинг бу ижодий самардорлиги, унинг эвристик йўналиши, белгиланаётган нарсаларнинг, етилиб келаётган педагогик муаммоларнинг ёки уларнинг белгиларини «Моддийлаштириш» га қаратилган йўлни педагогик диққат тасвирлаб беради ва унинг ҳиссий маданиятига алоҳида талабалар кўяди. Ана шу асосда педагогик фаҳм – фаросат ҳам самарали ишлаши мумкин.

Педагогик диққатнинг кўрсатиб ўтилган хусусиятларига маълум даражада тасниф бериб ўтамиз. Масалан, диққатнинг кўп объектлилиги

хақида гапирар эканмиз, бу хусусиятнинг уч даражасини назарда тутишимиз керак:

1. Диққатни бир неча объектга йўналтиришни билиш.
2. Диққатни бир нечта объектга йўналтириб, асосий нарсаларни ажратиш ва иккинчи даражали нарсаларни назорат қила билиш.
3. Диққатнинг янги объектлари пайдо бўлганлигини ҳис қилиш ва уларни диққат майдонига киритиш, шунингдек янги объектларнинг пайдо бўлишини олдиндан белгилаб олиш.

Диққатнинг жўшқинлиги хақида гапирганда, бу жараённинг муайян жиҳатларини ҳам ажратиб кўрсатиш зарур: 1) одатдаги фаолият шароитида диққатни бир объектдан иккинчисига ўткази билиш.

2) Янгидан – янги педагогик вазифалар пайдо бўлиши билан доимо ўзгариб боровчи шароитда диққатни бир объектдан иккинчисига ўткази билиш ва диққатни объектларга тақсимлаш даражасини қўллаб - қувватлаш, уларни ўзгартириш, назорат қилиш, диққатни қайта тақсимлаш.

Диққатнинг барқарорлигига келганда, қуйидаги даражаларга ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Диққат барқолиятдаги тўсқинликларни енгишга қодир.
2. Диққат фаолиятдаги тўсқинликларни енгишга қобил бўлиб қолмасдан, шу билан бирга уларни олдиндан пайқаш, уларга акс- садо беришга ҳам қобилдир.

3. Диққат барқарор ва амалий бўлиб, фаолиятнинг ўзгариб бораётган шароитида синфнинг барқарор диққатини ташкил этишга ёрдам беради.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, катта ёшдаги кишиларда диққатнинг ҳажми 4 – 6 объектга етади, ундан ортиқ бўлмайди. Шу сабабли объектлар сони кўпайган шароитда машқ қилмаган кишида назорат йўқолиши мумки, саросимага тушиш ҳолати бошланади. Кишилар кўпинча ожизликни ҳис қиладилар, ўз диққатлари ва ҳаракатларини изчил бошқармай қўядилар. Бу хилдаги саросимага тушиш бошловчи педагоглар учун хосдир. Амалиёт

ўтаётган талабалар амалиёт вақтида бутун педагогик объект тизимида диққатни бир ерга жамлашнинг қийинчиликларини кўрсатиб ўтадилар. Бу ҳолат ишни бошлаётган кишилар учун батамом табиийдир, унда бевосита ўзаро фикр алмашиш фаолияти ва унга раҳбарлик қилиш муҳим роль ўйнайди. Бундай қийинчиликларни тезроқ бартараф қилиш учун олий ўқув юртидаёқ диққатни бошқариш кўникмаларини эгаллаш зарур.

ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ ВА ҚИЗИҚИШЛАР.

Таълим – тарбия ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг педагогик қобилиятига ва қизиқишига боғлиқдир. Ф. Н. Гोनоболиннинг таъкидлашича, ўқувчининг баъзи психик процесслари ва хусусиятлари унда ўқитувчи шахсига хос сифатларининг шудай комплексини ташкил қиладики, буни педагогик қобилияти ва таша мумкин. Педагогик қобилият ўқитувчи шахсига хос бўлган бир қанча сифатларни – унинг ақл – заковати, иродаси, ҳиссиётлари, характериға хос ва бошқа хусусиятлардан таркиб топади. Бу хусусиятлар туфайли қобилиятли ўқитувчи муваффақиятли ишлайди ва оз меҳнат сарфлаб, катта натижага эришади. Таълим – тарбия кишиға бўлган қобилият туғма қобилият эмас, одам табиатдан шу қобилият куртакларини олади. Қобилият шахсининг онгли фаолиятида ривожланади. Педагогик фаолиятини эндиғина бошлаган ёш ўқитувчи ҳам яхши натижаларға эриша олмаслиғи мумкин. Бунинг сабаби унда педагогик қобилиятнинг йўқлиғи эмас, балки педагогик кўникмаси ва малакасининг етарли бўлмаслиғидир. Агар ўқитувчи ҳавас билан ақл юритиб астойдил ишласа, бундай кўникма ва малака албатта пайдо бўлади. Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушиниши, яхши психолог бўлиши, ўқувчини қизиқтира олиши, ўқув материалларини тушунтира билиши, ўқувчини билимларини тўғри баҳолай олиши, болаларға ижобий - тарбиявий таъсир кўрсатиш, ўқувчилар жамоасининг меҳнатини ташкил этиб, уларға раҳбарлик қила билиши, педагогларға хос одобға эға бўлиши, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида – алоҳида

муомалада бўла олиши керак. Шундагина у қобилиятли ўқитувчи ҳисобланади.

Ўқитувчида бу қобилиятлар билан бирга меҳнатсеварлик хусусияти ҳам бўлиши шарт. Ишчанлик яъни кўп ва самарали меҳнат қилиши, ҳар бир дарсга, ҳар бир суҳбатга, синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган ҳар бир тадбирларга пухта тайёрланиши ўқитувчилик фаолиятининг мутлақо зарур шартидир. Ўқитувчи ўз меҳнатини ижодий меҳнатга айлантирганда, педагогик ишининг амалий томонларини, назариясини астойдил ўрганиб маънавий томонларини, назариясини астойдил ўрганиб иш тутганида, бошқаларнинг тажрибасидан фойдаланиб, ўзи ҳам ижод қилиб, ташаббус кўрсатиб бирон бир иш қилганида ўзининг чинаккам ишчанлик қобилиятини кўрсатган бўлади.

Педагогик қобилиятни ривожлантиришда ўқитувчилик касбига қизиқиш, ҳавас катта роль ўйнайди. Аслини олганда, одамдаги бу қимматли сифатлар бир-бирига узвий боғлиқдир. Қизиқиш билан бажариладиган фаолият, у қанчалик мураккаб бўлмасин, ҳатто, муваффақиятсизликларга учрамасин, кишига катта ички қониқиш, мамнуниятлик бахш этади. Ўқитувчининг билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, унда ўқувчиларга шу билимни бериш иштиёқи шунчалик зўр бўлади. Бундай ўқитувчи энг яхши педагог ҳисобланади, уларнинг кўпчилиги ўз фанининг усталари, методистлари бўлиб қолади.

Интеграцион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.

В.А.Сластенин тадқиқотларида ўқитувчининг интеграцион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга қуйидаги хислатлар тааллуқли:

- **шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги. Бу - қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш; ижодий ютуқларга**

интилиш; пешқадамликка интилиш; ўз камолотига интилиш ва бошқалар;

- **креативлик. Бу – ҳаёлот, фантастик фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;**
- **касбий фаолиятни баҳолаш. Бу - ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти; педагогик тадқи қот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;**
- **ўқитувчининг индивидуал қобилияти. Бу - ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатъиятлик, ўзига ишонч; масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.**

ЎҚИТУВЧИ НУТҚИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Ўқувчилар билимларни энг биринчи навбатда ўқитувчининг жонли нутқи орқали олади. Шунинг учун ўқувчиларнинг фанларни пухта ўзлаштириш даражаси ўқитувчи нутқининг сифатига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчининг лексика, фонетика, талаффуз, гапларни тўғри тузиш, сўзларда урғуларни ўз жойига қўйиб гапириш ва ҳаказолар жиҳатидан тўғри бўлиши керак.

Таълим – тарбия ишида нутқининг таъсир кучи ниҳоятда каттадир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ - атворлари ва фикр юритишларига ҳам таъсир этувчи кучли воситадир. Ўқитувчининг нутқида унинг ҳисси, интилишлари, ирода ва эътиқоди акс этади. У нутқ ёрдами билан ўқувчиларда хурсандлик, рухланиш, муҳаббат, садоқат, ғазабланиши, нафратланиш ҳисларини туғдиради. Нутқнинг таъсири

кўрсатувчи функциясида интонация катта роль ўйнайди. Интонацияда нозик ва мураккаб ҳислар ва ҳаракатлар хусусиятлари, норозилик, истак, талаб ҳислари ва шу қабилар намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларни дарс материалларини пухтароқ ўзлаштириб олишга даъват этмоқчи, маълум бир ҳаракатда йўлламоқчи бўлганда, ўз нутқида талаффузга алоҳида эътибор беради.

ЎҚИТУВЧИ ТАФАККУРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқитувчининг тафаккури асосан ўқув материалларини мустақил режалаштириш ва системали баён этишда намоён бўлади. Ўқув материални системали равишда баён қилиш уни аниқроқ, онглироқ идрок қилишни ва яхшироқ эсда қолдиришни таъминлайди. Ўқитувчи ўқув материални китоб тилида, дарсликда бор бўлганларгагина асосланиб баён этмай, ҳар доим ижодий иш кўриши лозим. Ўқитувчи келтирган гапдаги фикрларни исботлай олиши, илмий асосланмаган фикрларни (исботлай олиши) рад этиш йўлларини эгаллаши лозим. Ўқитувчи болаларга бирор қондани айтгач, унга дарров аниқ мисоллар ҳам келтириш лозим. Дарс вақтида ўқувчилар томонидан кутилмаган саволлар берилиб қолган ҳолда, ўқитувчи усталик билан ўйлаб жавоб бериши ёки бу саволга кейинроқ ишонарли далиллар билан жавоб беражагини айтиши ва албатта, бу ваъдасининг устидан чиқиши зарур. Ўқитувчи тафаккурининг мазмунлилиги, тезлиги, кенглиги каби сифатлари болаларга ўз билимларини аниқ, мазмунли, тушунарли, қилиб сўзлаб беришда ҳам намоён бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга оширдик:

1. Педагогика ва психология мазмунини очиб берувчи тушунчаларни умумлаштириш (шахс, мотив, таъсир кўрсатиш, билиш босқичлари, ўз устида ишлаш).

2. Педагогика ва психология мазмунини очиб берувчи тушунчаларни ўзлаштириш.
3. Педагогик фикр тараққиёти тарихини ўрганиш (“Авесто”, ислом дини ғоялари, жадичиларнинг педагогик қарашлари ва ҳ.к.)

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИ.

Педагогик фаолият таълим тарбия мақсадларига мувофиқ йўналтирилган ҳамда кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам бу фаолият кишидан катта иродавий куч талаб қилади. Бу қийинчиликлар дарсга тайёрланиш, болаларга билим бериш ва уларни ишонтириш ва ҳаказолардир. Бу қийинчиликлар дарсга тайёрланиш, кўргазма қуроллари тайёрлаш, болаларга билим бериш ва уларни ишонтириш, сифнда интизом учун курашиш ва ҳаказолардир. Бу қийинчиликларни бартараф қилиш учун ғайрат, чидам сабр – тоқат, умуман кучли ирода керакдир.

Ўқитувчидаги эътиқод, дунёқараш, бурч ҳисси педагогик ишидаги муваффақиятларнинг гаровидир. Агар ўқитувчида эҳтирос ва қизиқиш зўр бўлса, у ўзини кучли ҳис қилади, қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этади. Ўқитувчи фаолиятида энг муҳим хусусият мақсадга интилиш йўлида тинмай ҳаракат қилишдир.

Ўқитувчининг асосий мақсади ҳамма ўқувчиларнинг муваффақиятли ўқишига эришишдир. Мана шу асосий вазифани бажариш йўлида ўқитувчи қатор қийинчиликларни енгади. Бундай қийинчиликлардан бири, масалан дарсда интизом масаласидир. Баъзи синфларда интизомнинг ёмонлиги ўқитувчиларнинг бу масалага эътибор бермаслиги бу борада тегишли тадбирларни кўрмаслигидир. Дарс вақтида яхши интизом бўлишининг асосий шартларидан бири ўқитувчининг талабчанлигидир. Синфда интизомни сақлаш вазифаларини бажариши мақсадида ўқитувчиларнинг ўқувчиларга таъсир кўрсатиши жуда муҳимдир. Ўқитувчи ўз олдида

мақсадига қанчалик интилса, болаларга шунчалик кўп таъсир кўрсатади. Дарсда интизом ёмонлашса, унинг сабабларидан бири – ўқитувчининг синфдаги тартибга бепарво қарашидир. Ўқитувчиларга таъсир этишда ишонтириш алоҳида ўринни эгаллайди. Форобий ўқувчиларга таъсир этишда ишонтиришнинг роли ҳақида шундай деган эди: «...Кўпинча шундай бўладики, қатъий суратда, дангалига, рад қилиб бўлмайдиган талаб кўйишнинг ўзиёқ болаларнинг сизнинг гапингизга кўниши ва сиз хоҳлаганингизча амал қилиши учун кифоя қилади». Афсуски, баъзи ўқитувчилар ўз ўқувчисига ишонмайди, унга сен “Қобилиятсизсан”, “Қайсарсан”, “Тузалмайсан” - деб танбех бераверади.

Ўқитувчининг иродаси ўз психик жараёнларини шароит талаби билан онгли равишда тормозлантиришда айниқса кераксиз ҳис – туйғуларни босиб турмушда кўринади. Баъзан боланинг ҳулқи ўқитувчида қонуний равишда ғазаб туғдиради. Лекин, бундай вазиятда ўқитувчи ўзини тутиши, вазмин бўлиши керак.

Ўқитувчининг иродавий сифатига саботлилик хосдир. Бу бошлаган ишни муваффақият билан охирига етказа олишда намоён бўлади. Ирода сифати ўқитувчининг матонатига, қийин ҳолатда ўзини тута билишида, ўқувчиларга қатъий талаблар қўя билишида ҳам кўринади. Педагогнинг талабчанлиги унинг ўқувчиларга бўлган меҳрибонлиги ва хушмуомалалигида ўз аксини топади.

Таълим – тарбия жараёни ҳар бир ўқитувчи ва педагогдан катта ақл – заковат, сабр – матонат, ўқувчиларга ва ўз касбига юксак меҳр – муҳаббатли бўлишни талаб этади. Ўқитувчининг доимо изланувчан, билим ва тажрибасини орттириб бориши, ўқувчиларни чуқур тушуниши, уларнинг ички дунёсини пайқай олиши, ўсиш ва ривожланиш даражаларини назорат қилиб бориши ва зарур пайтда сўз, иш ёхуд амалий ҳаракат билан ёрдам бера олиш қобилияти таълим ва тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминловчи омиллардир.

2.2. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик – психологик билимларни интеграциялаш бўйича олиб борилган тажриба – синов ишлари ва уларнинг натижалари.

Педагогик – психологик билимларни интеграциялаш жараёни муаммоси бўйича олиб борилган тажриба бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашнинг педагогик – психологик асосларини аниқлашдан иборат.

Бизнинг тажрибамизда Чирчиқ ижтимоий – иқтисодиёт коллежининг (ЧИИК) ўқитувчилари ҳамда бошланғич таълим йўналишининг 2-3 курс талабалари катнашди.

Тажриба уч босқичда олиб борилди:

1 босқич- **аниқловчи:**

Бу босқичда қуйидаги вазифалар ўз ечимини топди:

а) коллеж ички ва ташқи шарт - шароитларини ўрганиш;

б) талабаларни назорат ва тажриба гуруҳларига тақсимлаш;

в) ўқитувчиларнинг иш фаолиятини ўрганиш асосида интеграциялашган педагогик – психологик билимларга ёндашувни аниқлаш.

Коллеж ички ва ташқи шарт-шароитларини ўрганиб чиқдик ва қуйидагиларни аниқладик:

Ч И И К ўқув-методик мажмуаларга эга (бунинг ичига дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, жадваллар, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар киради), кутубхона қўшимча илмий-педагогик адабиётларга эга, ўқитувчилар олий маълумотли ва юқори малакали мутахассислар.

Ўқитувчилар иш фаолиятини ўрганиш учун қуйидаги сўровномалар тарқатдик ва натижаларни таҳлил этдик. Бу иш қайси йўналишда тадқиқот олиб боришимиз учун асос бўлди.

Ўқитувчиларга қуйидаги сўровномалар тарқатилди:

1. Педагогик фаолият олиб боришингизда қийинчиликларга дуч келдингизми?

2. Қандай характердаги қийинчиликларни ечишга қийналмоқдасиз: ҳаяжонланиш; нотиклик; тушунмовчилик (ўқувчилар билан тил топиша олмаяпсиз); педагогик таъсир (ўқувчиларга таъсир ўтказа олмаяпсиз).

3. Ўқувчиларни ўз фанингизга қандай усуллар ёрдамида қизиқтирмоқдасиз?

4. Дарс жараёнида ўзингизни назорат қиласизми? Қайси хусусиятларингизга алоҳида аҳамият берасиз?

5. Ўқувчининг уй вазифасини бажариб келмаганлигига муносабатингизни изоҳланг.

6. Ижодий педагогик фаолият деганда нимани тушунасиз?

7. Охирги марта ўқиган педагогик , психологик китобингиз?

Коллежда дарс бериб келаётган ўқитувчилар билан ўзимиз танлаган “Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик – психологик билимларини интеграциялаш жараёни” мавзусида тажриба ишларини олиб бордик. Тажриба бошида ўқитувчиларни икки гуруҳга ажратиб олдик.

Биринчи гуруҳ – назорат гуруҳи.

Иккинчи гуруҳ – тажриба гуруҳи.

Иккала гуруҳ ўқитувчиларига ҳам бир хил матндаги саволномалар тарқатилди. Тажриба – синов ишларини олиб бориш жараёнида тажриба гуруҳидаги ўқитувчилар билан биз алоҳида ишлар, тушунтириш, суҳбат, семинарлар, конференциялар ташкил қилдик. Тажриба гуруҳида педагогик – психологик билимларни интеграциялаш жараёни бўйича ташкил этилган маърузаларда интеграция, унинг мазмуни, мақсади, вазифалари ҳақида маълумотлар берилди.

Тажриба–синов якунида назорат ва тажриба гуруҳи ўқитувчиларининг берилган саволларга жавобларини таҳлил қилиб чиқдик (жадвал 2.1.).

Натижада ўқитувчилар ўзлари учун самарали педагогик фаолият олиб боришларига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни аниқлашиб олдилар ва

келажақда педагогик фаолиятини психологик билимлар билан уйғунлаштириб олиб бориш зарурлигини англадилар.

Яна шу нарсани таъкидлаш керак-ки, ўқитувчиларда психологик билимлар шаклланган, лекин улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш механизмлари ривожланмаган.

Ўқитувчининг интеграцион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ечишни ва усулларини аниқлашга қаратилгандир.

Жадвал 2.1.

№	Мезонлар	Таъриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
		Ўқитувчилар юқори	ўрта	паст	Ўқитувчилар юқори	ўрта	паст		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Ўқитувчиларнинг педагогик–психологик билимларни интеграциялашга ва уларни эгаллашга эҳтиёжлари борлиги.	5	4	1	0	5	1	2	2
2.	Ўқитувчиларнинг педагогик–психологик билимларни интеграцияси юзасидан маълумотларга эгалликлари	5	3	2	0	5	1	1	3
3.	Ўқитувчиларда педагогик–психологик билимларни интеграциялаш борасида кўникма, малакаларнинг шаклланганлиги	5	3	1	1	5	1	2	2
4.	Ўқитувчиларда педагогик–психологик билимларни интеграциялаш жараёнига нисбатан ижодий ёндашувнинг мавжудлиги	5	5	0	0	5	1	1	3

2-босқич – шакллантирувчи.

Бу босқичда қуйидаги вазифалар ечилди.

1. 2-3 курс талабаларининг педагогик – психологик билимлари ва кўникмалар даражаси ҳолатини аниқлаш.

2. Педагогик-психологик билимларни интеграциялаш жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашининг мотивларини фаоллаштириш.

2-3-курс талабаларининг педагогик – психологик билимларини дастурлашган вазифалар ёрдамида аниқладик. Бу методикани тажрибагача ва тажрибадан сўнг ўтказиш мумкин.

Тажриба бошида тажриба ва назорат гуруҳларига ушбу дастурлашган вазифалар берилди.

1. Педагогик билимлар – бу тарбиянинг қонуниятларини билиш ва улардан самарали фойдаланиш.

2. Ўқувчилар билимларни энг биринчи навбатда китоб орқали олади.

3. Педагогик қобилиятларнинг энг асосийси – бу перцептив, яъни кузатувчанлик қобилияти.

4. Ўқитувчининг шахсий иродавий сифатларини ўзини – ўзи бошқариш ташкил этади.

5. Психологик билимлар асосини таълим-тарбия ҳақидаги билимлар ташкил этади.

6. Ўқитувчининг диққати ўқув материалларини мустақил режалаштириш ва системали баён этишда намоён бўлади.

7. Ўқитувчининг диққати фақат битта объектга қаратилади.

8. Ўқувчиларнинг темпераменти ўқув фаолиятига таъсирини кўрсатади.

9. Соғлом ўқувчинининг яхши ўзлаштирмаётганлигининг сабаби ўқишга лаёқати йўқлигидан.

10. Дарс жараёнида ўқувчининг билимини баҳолашда унинг ташқи кўриниши, хулқига эътибор берилади.

Тажриба синов натижасида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик – психологик билимлари жуда ҳам саёз эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Жадвал 2.2.

Дастурлашган вазифаларни бажариш ҳолати

Шаҳар	Чирчиқ							
Таълим муассасаси	Чирчиқ ижтимоий - иқтисодиёт коллежи							
	тажрибадан аввал				тажрибадан сўнг			
Гуруҳ	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	2	2	3	3	2	3	3	2
	БТ-109	БТ-110	БТ-9	БТ-10	БТ-109	БТ-10	БТ-9	БТ-110
Қатнашган ўқувчилар сони	30	30	20	20	30	20	20	30
Хатосиз ишлар	9	10	5	7	19	13	7	12
1-2 хатога йўл қўйилган	8	8	4	4	8	5	6	10
3-5та хатога йўл қўйилган	8	6	5	5	3	2	4	4
6 ва ундан ортиқ хатога йўл	5	6	4	4	0	0	3	4

Тажриба – синов ишларини олиб бориш жараёнида тажриба гуруҳидаги ўқувчилар билан биз алоҳида ишлар, интегратив мазмундаги дарслар, тушунтириш, суҳбат, семинарлар, конференциялар ташкил қилдик. Ўқитувчининг диққати, иродавий сифатлари, нутқи, тафаккури, қобилияти ва

қизиқишлари ҳақида интеграциялашган педагогик- психологик билимлар берилди. Бу гуруҳга ўз устида ишлаш учун тавсиялар берилди.

Биз бўлажак ўқитувчиларни ўз устида ишлаш мотивларини фаоллаштириш учун қуйидаги педагогик технологиядан фойдаландик:

1. Муаммоли педагогик вазият таклиф этилди.
2. Муаммоли педагогик вазиятни ечиш учун эҳтиёжни юзага келтириш.
3. Муаммоли педагогик вазиятни ечиш учун қизиқишнинг вужудга келиши, яъни уни қандай ечиш мумкинлиги устида ўйлаши ва бунга муайян вақт ажратилиши.
4. Шу каби муаммоларни адабиётлардан, оммавий ахборот воситаларидан излаб топиш ва ечимларини таҳлил қилиш.
5. Таҳлилларни умумлаштириш ва улар асосида ўзининг ечимини таклиф этиш.
6. Амалда бу ечимни қўллаш ва натижасини таҳлил қилиш.

Ушбу технология бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик- психологик билимларини интеграциялашда яхши натижалар берди, бу билимларни амалда қўллаш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолият олиб бориш кўникмалари такомиллашди.

Иккала гуруҳ ўқувчиларига ҳам бир хил матндаги саволномалар тарқатилди. Тажриба–синов якунида назорат ва тажриба гуруҳи ўқувчиларининг берилган саволларга жавобларини таҳлил қилиб чиқдик.

Суҳбат саволлари қуйидагича:

1. **Ўқитувчидаги педагогик – психологик билим деганда қандай билимлар назарда тутилади?**
2. **Ўқитувчида педагогик сифатлар юқори бўлиши керакми ёки психологик?**
3. **Педагогик фаолиятида нима учун ўқитувчи кучли психолог бўлиши зарур дейилади?**
4. **Педагогик фаолиятда шахсий иродавий сифатлар зарурми?**

5. Иродавий сифатларга қандай жараёнлар, ҳолатлар киради?

6. Педагогик коллежларда ўтилайётган педагогика – психология фанларига муносабатингиз?

7. Амалиётда сизни қайси муаммолар қийнади?

8. Педагогик касбининг шахсий сифатлари ҳақида қандай билимга эгасиз?

9. Таълим жараёнида ўз – ўзини бошқариш деганда нималарни тушунасиз?

10. Педагогик–психологик билимларни такомиллаштиришда нималарга эътиборни қаратмоқ зарур?

Ҳар бир саволга жавобларни таҳлил қилиб чиқдик ва қуйидаги натижаларга эришдик:

№	Жавоблар мазмуни	Тажриба гуруҳи (50)	Назорат гуруҳи (50)
1	Дарс бериш, Тарбия бериш	6	30
	Ўқувчи шахси ҳақида	6	10
	Барча жавоблар	38	10
2	Педагогик	7	18
	Психологик	8	14
	Иккаласи	35	22
3	Таъсир ўтказа олади	7	24
	Ўқувчини тушуниши учун	6	23
	Кўзланган мақсадга эришиш учун	37	3
4	Ҳа	50	50
5	Сабр, чидам, бардош	5	46
	Ўз-ўзини бошқариш	45	4
6	Педагогика дарс соатини кўпайтириш керак	15	17
	Психология дарс соатини кўпайтириш керак	15	15

	Амалиётни кўпайтириш лозим	20	18
7	Ўқувчиларни бошқариш	12	25
	Ўқувчиларни тушуниш	10	20
	Ҳужжат юритиш	8	5
8	Меҳрибон	36	32
	Талабчан	42	22
9	Сабрли бўлиш, вазминлик	50	50
10	Мисоллар келтириш	50	38
	Интерфаол дарслар	50	28

Ш- босқич – умумлаштирувчи.

Олиб борилган математик–статистик таҳлил шуни кўрсатадики, тажриба–синов ўтказилган тажриба гуруҳи кўрсаткичлари анча юқори, назорат гуруҳлари кўрсаткичлари пастлигининг сабабларини қуйидагиларда деб билдик:

- бўлажак ўқитувчиларни педагогик жараёнга тайёрлашда педагогика ва психология фанларининг бир-бирини тўлдирмаслиги.
- фақат назарий билимларга эътибор қаратилганлиги;
- амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчи шахси эгаллаши зарур бўлган педагогик–психологик билимларга етарли эътибор берилмаганлиги;

Жадвал кўрсаткичлари тажриба гуруҳида олиб борилган педагогик–психологик билимларни интеграциялаш юқори самара бериши ҳақида хулосалар чиқаришга асос бўлади.

Тажриба– синов натижаларини таҳлил қилиб, биз тажриба гуруҳларида олиб борилган интеграциялаш жараёни самарали кечганлиги ҳақида хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

II боб бўйича хулоса

Ўқитувчидаги эътиқод, дунёқараш, бурч ҳисси педагогик ишидаги муваффақиятларнинг гаровидир. Агар ўқитувчида эҳтирос ва қизиқиш зўр бўлса, у ўзини кучли ҳис қилади, қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этади. Ўқитувчи фаолиятида энг муҳим хусусият мақсадга интилиш йўлида тинмай ҳаракат қилишдир. Бу ҳақда И.А.Каримов шундай деган: «Ҳар бир яхши, виждонли ўқитувчи ўзининг олдига фуқарони тарбиялашни катта мақсад қилиб қўяди. Бизнинг ажойиб ёш авлодларимиз дунёга келтирган ижтимоий – тарбиявий ишимизнинг чинакам оламшумул муваффақиятининг сири ана шунда».

Педагогик фаолият таълим тарбия мақсадларига мувофиқ йўналтирилган ҳамда кўпгина қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам бу фаолият кишидан катта иродавий куч талаб қилади. Бу қийинчиликлар дарсга тайёрланиш, кўргазма куролларни тайёрлаш, болаларга билим бериш ва уларни ишонтириш, синфда интизом учун курашиш ва ҳ.к. Бу қийинчиликларни бартараф қилиш учун ғайрат, чидам сабр – тоқат, умуман кучли ирода керакдир.

Касбий-педагогик мулоқот- мураккаб ҳодиса. Шахс касбий- педагогик мулоқот қилишдан аввал ўз олдига бир неча вазифаларни қўяди. Жумладан, мулоқот мақсадини, мулоқот қачон, қаерда, неча ёшлилар билан ўтказилишини режалаштиради.

Ўқитувчининг асосий мақсади ҳамма ўқувчиларнинг муваффақиятли ўқишига эришишдир. Мана шу асосий вазифани бажариш йўлида ўқитувчи қатор қийинчиликларни енгади. Бундай қийинчиликлардан бири, масалан дарсда интизом масаласидир. Баъзи синфларда интизомнинг ёмонлиги ўқитувчиларнинг бу масалага эътибор бермаслиги бу борада тегишли тадбирларни кўрмаслигидир. Дарс вақтида яхши интизом бўлишининг асосий шартларидан бири ўқитувчининг талабчанлигидир. Синфда

интизомни сақлаш вазифаларини бажариши мақсадида ўитувчиларнинг ўувчиларга таъсир кўрсатиши жуда муҳимдир. Ўқитувчи ўз олдида мақсадига қанчалик интилса, болаларга шунчалик кўп таъсир кўрсатади. Форобий ўқувчиларга таъсир этишда ишонтиришнинг роли ҳақида шундай деган эди: «...Кўпинча шундай бўладики, қатъий суратда, дангалига, рад қилиб бўлмайдиган талаб қўйишнинг ўзиёқ болаларнинг сизнинг гапингизга кўниши ва сиз хоҳлаганингизча амал қилиши учун кифоя қилади».

Муомалада ижодий кайфиятни шакллантириш мураккаб жараёндир. Бу ерда кўпинча педагог зўриқиш туйғусини бошдан кечиради, буни педагогик ижодкорликнинг омма ўртасидаги фаолият, ўзгариб боровчи ижодкорлик ҳолати, ўзининг психик ҳолатларини бошқариш зарурлиги, меҳнатнинг ўзаро фикр алмашиш жиҳатдан бойлиги каби хусусиятлари тақозо қилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга оширдик:

4. Педагогика ва психология мазмунини очиб берувчи тушунчаларни умумлаштириш (шахс, мотив, таъсир кўрсатиш, билиш босқичлари, ўз устида ишлаш).
5. Педагогика ва психология мазмунини очиб берувчи тушунчаларни ўзлаштириш.
6. Педагогик фикр тараққиёти тарихини ўрганиш (“Авесто”, ислом дини ғоялари, жадичиларнинг педагогик қарашлари ва ҳ.к.)

Педагогик ижодкорлик ва муомала жараёнида вужудга келадиган бу зўриқишни, шунингдек, бошқа ноҳуш ҳолатларни енгил учун ўз- ўзини тарбиялаш юзасидан доимий иш олиб бориш зарур. Ўз- ўзига таъсир қилишнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилардир: **ўз- ўзини ишонтириш, ўз- ўзига буйруқ бериш, ўз- ўзини мажбур қилиш, ўз - ўзига мажбурият юклаш, ўз-ўзини рағбатлантириш, ўз- ўзини жазолаш, ўз- ўзини машқ қилдириш, ниҳоят ўз-ўзига таъсир қилишдир.**

УМУМИЙ ХУЛОСА

Педагогик фаолият – ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим- тарбия бериш иши билан шуғулланадиган ва бу ишга махсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир.

Маълумки, ўқитувчининг касбий фаолияти, энг аввало, педагогика фани билан боғлиқ. Чунки педагогика фанида таълим- тарбия бериш қонун-қоидалари баён этилади. Ўқитувчи ўқувчига таълим- тарбия бериш орқали унинг шахси шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу муаммони ҳал қилиш ва ечимини топишда ўқитувчиларнинг билим, малака ва кўникмалари юксак даражада бўлиши талаб этилади.

Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий термин бўлиб, у умумлаштириш, хулосалашларда методологик восита бўлиб ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жараён ва ҳодисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмлари яратилади.

Педагогик- психологик билимларни интеграциялаш жараёнининг муҳим унсурлари ***шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини- ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади.*** Унинг энг муҳим йўналишларидан бири талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш.

Бўлғуси ўқитувчиларнинг педагогик- психологик билимлари ижтимоий-шахсий мотивлар- булар хоҳиш – истак, интилиш, ташвишланиш, ҳиссий муносабат, манфаатлар – ва истиқболни кўриш асосида шакллантирилади. Барқарор, анланган ижтимоий - шахсий мотивлар касбий, педагогик - психологик билимларни эгаллаш, малака, кўникма ҳосил қилиш ва лаёқат сифатлари, педагогик тайёргарликнинг натижаларини олдиндан кўра билиш асосида уйғунлашиб, такомиллашиб боради.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик- психологик билимларини интеграциялашда дастлаб педагогик ва психологик қобилиятлар ҳисобга

олиниши зарур. Бўлажак касб эгасида касбга нисбатан қобилият, қизиқиш мавжуд бўлса, у албатта танлаган касбининг моҳир устаси бўлиб кета олади.

Педагогик таъсир кўрсатиш методикаси болаларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш учун фойдаланиладиган воситалар тизимидан иборатдир. Бу воситалар тарбияланувчи шахсига қаратилган бўлиб, болаларнинг хулқ- атворини рағбатлантиради, уларнинг қийин ва мураккаб вазифаларини қувонч, ижодий шавқ- завқ манбаига, ҳар бир тарбияланувчи ўқувчининг шахсий муддаоларига айлантиради.

Педагогик мулоқот – педагогик таъсирнинг ажралмас сифатидир. Бу ўқитувчи ва ўқувчининг таълим- тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда маълумот алмашинади ва ўқувчиларга ўқув- тарбиявий таъсир ўтказилади. Бунда икки ёқлама мулоқот юзага келишининг асоси сифатида ўзаро ҳурмат ва ишонч хизмат қилади. Педагог ўқувчилар билан мулоқотга киришиш жараёнида улардан ҳурмат кутади. Ўқувчилар ҳам ўқитувчидан ҳурмат ва ишончни талаб этадилар. Мулоқотнинг ўзига хос учта даражалари мавжуд:

Макро даражада (катта) – инсонлар билан мулоқот қилиш барча одоб-ахлоқ меъёрларига суянган ҳолда амалга оширилади.

Мезо даражада (ўрта) – мулоқот таълим мавзу асосида кечади.

Микро даража (кичик) – мулоқотнинг оддий шакллари, савол-жавоб тариқасида юз беради.

Бўлажак ўқитувчилар педагогик сифатлар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлишлари учун биз қуйидаги модул асосида иш олиб бордик:

1-модул - Педагогик диққат ва унинг педагогик фаолиятдаги роли

2- модул - Педагогик қобилият ва қизиқишлар.

3- модул - Ўқитувчи нутқи ва тафаккурининг хусусиятлари

4- модул - Ўқитувчининг иродавий сифатлари.

Ўқитувчининг асосий мақсади ҳамма ўқувчиларнинг муваффақиятли ўқишига эришишдир. Мана шу асосий вазифани бажариш йўлида ўқитувчи қатор қийинчиликларни енгади. Юзага келган турли муаммоларни ечиш учун бўлажак ўқитувчи ўз устида ишлаши талаб этилади. Бунинг учун унга интеграциялашган педагогик –психологик билимлар зарур. Бу билимлар мулоқот давомида шаклланиб, ривожланади.

Педагогик мулоқот – педагогик таъсирнинг ажралмас сифатидир. Бу ўқитувчи ва ўқувчининг таълим- тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда маълумот алмашинади ва ўқувчиларга ўқув- тарбиявий таъсир ўтказилади. Бунда икки ёқлама мулоқот юзага келишининг асоси сифатида ўзаро ҳурмат ва ишонч хизмат қилади.

Магистрлик илмий тадқиқот ишимизининг якунида бўлажак ўқитувчиларга қуйидагиларни тавсия қиламиз:

- **бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда педагогик – психологик мулоқотнинг босқичини эътибордан четда қолдирманг;**
- **бошқалар билан мулоқотда кескин бурилишга йўл қўйманг;**
- **бугунги мулоқот кўнгилдагидек бўлмаса, уни тузатишга ҳаракат қилинг;**
- **дарсда қарор қилишда импровизация (вазиятни яратиш, реал ҳаётда бор нарсани кўрсатиб, вазиятдан чиқиш)га ҳаракат қилинг;**
- **аудитория билан иш бошлашдан аввал фақат ўзингизнинг педагогик материалларингиз ҳақида эмас, балки боланинг ҳолати, фаолиятга тайёрлиги ҳақида ўйланг.**
- **болада яхши таассурот қолдириш учун ташқи кўринишингизга аҳамият беринг.**

Фойдаланган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, - Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: “Ўзбекистон” - 2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”., 2008
3. И.А. Каримов “Истиқлол ва маънавият” Тошкент. Ўзбекистон 1994 й.
4. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётнинг пойдевори. Тошкент. “Ўқитувчи” 1996 й.
5. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. Тошкент., 2006
6. Мавлонова Р.А. ва бошқалар. Педагогика. “Ўқитувчи”., Тошкент- 2009
7. Гоноболин И.Н. Педагогик–психология. Т., “Ўқитувчи”. Тошкент- 2000.
8. Давлетшин М.Г. “Ўқувчиларда қобилиятни таркиб топтириш”. Т., “Ўқитувчи” 1996 й.
9. Зязюн И.А. Педагогик маҳорат асослари., М.1989 й.
10. Ишмухамедов Р. Педагогик техникани шакллантиришнинг мазмуни ва йўллари. Тошкент. Халқ таълими., 1996 й, №4.
11. Колягин Ю.М. Об интеграции обучения и воспитания в начальной школе. Ж.”Начальная школа”., М. 1989 №3
12. Махаматов А. Дарсларга интегратив ёндашув. Ж. “Халқ таълими”

14. Мусаев У. Интеграция – таълим жараёнини оғималлаштиришнинг муҳим тамойили. Ж “Халқ таълими”., Т. 2002 №6
15. Насриддинов Б. Педагогик маҳоратга янги муносабат. Халқ таълими., № 8-9. 1992 йил.
16. Ж.Ғ.Йўлдошев. Таълим янги ланиш йўлида. ”Ўқитувчи”., 2000.
17. Илмий –амалий анжуман материаллари. “Узлуксиз таълим тизимида бошланғич синф ўқитувчиларини янги авлодини тайёрлаш муаммолари”., Тошкент – 2003.
18. Бошланғич таълим журнали. № 3. 2000 й.
19. Сатторов Ш. Касб-хунар таълими мазмунини интеграциялаш. Ж “Халқ таълими”., Т 1998 №3
20. Светловская Н. Об интеграции как методическом явлении и её возможностях в начальном обучении. Ж. ”Начальная школа”., 1990 № 5
21. Фридман А. М. Педагогический опыт глазами психолога. Книга для учителя., М. Просвещение. 1997 й.
22. Хасанов Т. Кўп қиррали педагогик маҳорат. Халқ таълими., 1992 й. №4
23. Эшонов П. Хунар билим юртларида ўқитишнинг интегратив мазмуни. Ж “Халқ таълими”., Т 1997 № 6.
24. Фалсафа қисқача изоҳли луғат., “Шарқ”, Т-2004.